VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

23 (292) ● 2014 йил 11 июнь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Йигирма мингдан ортиқ китобхонга хизмат кўрсатаётган Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган

6 ЖАРАЁН



Ўзбекистон 1992 йилнинг май ойида Марказий Осиё республикалари орасида биринчи бўлиб ядро қуролларини тарқатмаслик шартномасини имзолаган

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ



Бугун жаҳоннинг Япония, Буюк Британия, Америка, Канада, Болтиқбўйи мамлакатларига ўзбекона кийимларимизни экспорт қилиб келмоқдамиз. Ўйлайманки, бу каби ҳамкорлик ишларимиз ҳали узоқ вақт давом этади

8 КЎЗГУ

Партия лойиҳаси





## Ҳар жабҳада фаол

**хотин-қизлар "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловида сараланмоқда**

***Аёл — гўзаллик, латофат, вафо, фидойилик тимсоли. У бағрида юрагининг бир парчаси ётган бешик билан бирга миллатни, Ватанни, келажакни асрайди. Аёлларни эъзозлаш, уларга юксак эҳтиром кўрсатиш бизнинг азалий қадриятларимиздан ҳисобланади. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.***

Бугун жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш, уларнинг истеъдод, билим, тажриба ва орзу-интилишларини рўёбга чиқариш йўлида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз ҳиссасини қўшишга интилмоқда. Жумладан, ЎзМТДП Марказий Кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси билан ўтказиб келинаётган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" республика кўрик-танлови мамлакатимиз хотин-қизлари орасидан истеъдодли, қобилиятли сиёсий етакчиларни аниқлашга хизмат қилмоқда. Айни кунларда мазкур кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят босқичлари ўтказиб келинмоқда. Хусусан, танловнинг Тошкент шаҳар босқичида 12 нафар қиз 3 та шарт бўйича беллашдилар. Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Мавжуда Ражабова мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини ошириш ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор муҳим қарорлар қабул қилинганлиги, бу эса хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида муносиб ўрин эгаллашига, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини янада кенгайтиришга кенг йўл очаётганини таъкидлаб ўтди.




2-бет

Муносабат

## Халқимизнинг кўп асрлик деҳқончилик маданияти

**ва анъаналари дастурхонларимиз тўкинлигида муҳим омил бўлмоқда**

***Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги маърузаларини тинглаб, серқуёш, жаннатмакон заминда яшаётганимиздан яна бир карра фахрландик. Дарҳақиқат, она юртимизда йилнинг 320 куни қуёшли бўлиши, об-ҳаво, иқлим ва тупроқ шароитларининг қулайлиги заминимизда етиштирилаётган мева, сабзавот, умуман, озиқ-овқат маҳсулотларининг витамин, фойдали микроэлементларга бой бўлишида муҳим омил ҳисобланади. Шу боис ҳам заминимизда етиштирилаётган маҳсулотларнинг дунёда бозори чаққон, экспортбоп.***

Бу борада давлатимиз раҳбари ўз маърузасида алоҳида тўхталиб, бугунги кунда 180 турдан ортиқ мева-сабзавот ва улар асосида қайта ишланган маҳсулотлар дунёнинг 80 та давлатига экспорт қилинаётгани, Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берадиган ўнта етакчи давлат қаторига киришини таъкидлади. Шунингдек, Президентимиз нутқида саховатли заминимизда етиштириладиган мева ва сабзавотлар юқори нуфузга эга бўлган ҳақиқий брендга - товар белгисига айланиб, бу маҳсулотларни сотиб оладиган мамлакатларда улар юксак рақобатдошлиги билан ажралиб туриши алоҳида эътироф этилди.

Дунё миқёсида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжларининг кўпайишидан ортда қолаётгани соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг кўлами кенглигидан далолатдир. Шу боис конференция доирасида кўрилган масалалар юзасидан йўлга қўйилиши мўлжалланган алоқалар, фикр ва тажриба алмашуви, таҳлиллар ва амалий тавсиялар анжуманнинг барча иштирокчилари учун жуда фойдали бўлди. Энг муҳими, конференцияда иштирок этган халқаро жамоатчилик вакиллари юртимизнинг табиий, экологик тоза мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари нақадар фойдали эканлигини эътироф этишди, уларнинг мамлакатимизга бўлган қизиқиши янада ортди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг экспорт ва туризм салоҳиятини ошириб, миллий иқтисодиётимиз ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, "Миллий тикланиш" демократик партияси истеъмол товарлар ва хизматлар соҳасида миллий брендлар юзага келишига кўмаклашиш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни дунё бозорига олиб чиқиш бўйича тизимли мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни кўриш, халқаро майдонда "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" брендини илгари суриш тарафдоридир.

2-бет

Давра суҳбати

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан "Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда ЎзМТДПнинг ролини ошириш" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига партиядан сайланган депутатлар, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

## Партия фаолиятининг устувор йўналиши

**дастурий вазифаларни сон ва сифат жиҳатдан мутаносиблигини таъминлашдир**

Тадбирда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар, давлат ва жамият қурилиши тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва фракцияси фаолияти атрофлича муҳокама қилинди.

4-бет

ЎзМТДП дастури — амалда

## Саломатлик тарғиботи

**аҳолида тиббий маданиятни юксалтиришга хизмат қилмоқда**

3-бет




Иқрор

## Мен нега "Миллий тикланиш"ни танладим?

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиш мақсадида ўзининг аниқ фаолият йўналишларини белгилаб олган, ёшларга катта эътибор қаратаётган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси, Олтинкўл туман Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси эканимдан мамнунман. ЎзМТДП ёшларнинг замонавий билим, касб-ҳунар ҳамда мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш, қўллаб-қувватлашнинг давлат ҳамда нодавлат тизимларини ривожлантириш, уларни миллий-маънавий тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга кўмаклашишни устувор мақсадларидан деб билади. Бу эса биз ёшларнинг келажакда илм-фан чўққиларини забт этиб, ўз йўлимизни топиб, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга ундайди. Таъкидлаш жоизки, миллий тикланиш ғоясининг мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни партиямиз аъзолари томонидан халқчил, самимий тарғиб қилинмоқда. Зеро, бу — халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг мамлакатимизда кечаётган кенг кўламли ислоҳотларга дахлдорлигини янада кучайтиришнинг асосий шартларидан биридир. Бугунги кунда тенгдошларим қатори партия туман Кенгаши томонидан ўтказилаётган миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимиз тарғиботига қаратилган тадбирларда фаол иштирок этиш билан бир қаторда, ватанпарвар, ўзининг мустақил фикр ва мустаҳкам ҳаётий позициясига эга истеъдодли ҳамда ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб лойиҳалар устида иш олиб боряпмиз.

Келгусида ўз соҳамнинг етук мутахассиси бўлиш баробарида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сафида туриб, унинг дастурий мақсад-вазифаларини амалга оширишга муносиб ҳиссамни қўшишни мақсад қилдим.

**Миролим ИСАЖОНОВ,**
**ЎзМТДП Олтинкўл туман Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси**



**"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!**

**Нашр кўрсаткичи — 158**



2 MILLIY TIKLANISH
23 (292) 2014 йил
11 июнь, чоршанба



# Халқимизнинг кўп асрлик деҳқончилик маданияти

### ва анъаналари дастурхонларимиз тўкинлигида муҳим омил бўлмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу боис, миллий иқтисодиётни ривожлантиришга кўмаклашишни мақсад қилган партиямиз иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган аграр секторда ота-боболаримиздан мерос қолган, кўп асрлик анъанавий сабзавотчилик ва боғдорчилик маданиятини шакллантиришни қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, партия халқаро меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг рақобат борасидаги афзалликларига асосланган ҳолда мамлакатимизнинг хўжалик комплексини янада диверсификациялашни бундан буён ҳам давом эттиришни мақсад қилган. Шу маънода мазкур халқаро конференция ўз мазмун-моҳияти билан, унда билдирилган таклиф, тавсия ва хулосалар ЎзМТДП вакиллари фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутади.

**Шавкат БОЛТАЕВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

* * *

Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ўтказилаётган халқаро эксперт тадқиқотлари дунёнинг айрим минтақаларида ушбу муаммо билан боғлиқ мураккаб вазият юзага келаётганини кўрсатмоқда. Яъни, айни пайтда мазкур муаммо жаҳон ҳамжамияти учун ўта долзарб ва жиддий таҳдидлар қаторидан жой олмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан ислоҳотлар аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, уларни катта ҳажмда экспорт қилишни йўлга қўйиш имконини бергани эътироф этилди.

Дарҳақиқат, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий тараққиёти, аҳолисининг турмуш даражаси яхшиланиши бевосита саноат ривожига боғлиқ. Шу маънода, юртимизда иқтисодиётнинг бошқа соҳалари қаторида озиқ-овқат саноати ҳам йил сайин ривожланаётгани пухта ўйланган ислоҳотлар мевасидир. Таъкидлаш керакки, мустақил тараққиётимизнинг ўтган қисқа даврида саноатнинг тамомила янги тармоқларига асос солинди. Хусусан, мазкур йўналишда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида ғалла етиштириш ҳажми 1 миллион тоннадан 7,8 миллион тоннага етди ва Ўзбекистон ғалла экспорт қиладиган мамлакатлар қаторидан жой эгаллади. Илгари аҳолининг айрим маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи импорт эвазига таъминланган бўлса, эндиликда ички бозорларимиз, асосан ўзимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари билан тўлдириляпти. Буни бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробар ошгани, яъни аҳоли жон бошига тўғри келадиган гўшт истеъмоли 1,3, сут ва сут маҳсулотлари 1,6, картошка 1,7, сабзавотлар 2 мартадан зиёд, мевалар қарийб 4 баробар ошгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Президентимиз нутқида соҳада амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор долзарб масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган кучли иқтисодий салоҳият яратиш, табиатни асраб-авайлаш, Ўзбекистоннинг бой табиий ресурсларидан бугунги ва келгуси авлодлар манфаати йўлида оқилона фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Ўрни келганда айтиш жоизки, бугунги кунда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган қатор дастурлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда ЎзМТДПдан сайланган барча даражадаги депутатлар фаол иштирок этиши лозим. Хусусан, соҳага оид Қарор ва Фармонлар ҳамда Давлат дастурлари ижроси устидан депутатлик назоратини ўрнатишлари зарур. Зеро, партиямиз сайловолди Платформасида юртимиз табиатига, бой табиий ресурсларига нисбатан асраб-авайлаб муносабатда бўлиш, улардан ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаати йўлида оқилона фойдаланилишини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

**Абдурашид ТЎХТАБОЕВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

* * *

Президентимизнинг "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги инсоннинг ҳаёт даражаси ва турмуш фаровонлиги асоси бўлган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш борасида тўпланган Ўзбекистон тажрибаси, қишлоқ хўжалигимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, ютуқлар хусусидаги фикрларини тинглаб, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ер билан тиллашиб, мўъжиза яратиш қадрияти бугун янгича мазмун-моҳият касб этаётганига яна бир карра амин бўлдим.

Дарҳақиқат, мустақил тараққиётимизнинг ўтган қисқа даврида Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ислоҳотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва аҳолимизни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, уларни экспорт қилишни йўлга қўйиш имконини берди. Бунинг натижаси ўлароқ, бугун халқимизнинг турмушидан кўнгли тўқ, дастурхони тўкин, рўзғори бут.

Маърузада таъкидланганидек, Ўзбекистонда шаклланган кўп асрлик анъанавий сабзавотчилик ва боғдорчилик маданияти азалдан маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни кўзда тутадиган биологик деҳқончилик принципларига асосланган. Бу генларни модификация қилиш технологияларини қўлламасдан, жуда мазали таъмга ва истеъмол хусусиятларига эга бўлган экологик тоза мева ва сабзавотлар етиштириш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини рағбатлантиришга йўналтирилган ташкилий, ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилгани, уларни қўллаб-қувватлаш учун катта маблағлар ажратилаётгани боболеҳқонларимизни янги марралар сари илҳомлантирмоқда. Натижада бугунги кунга келиб, мамлакатимизда дон, сабзавот, гўшт ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳажми тобора ортиб бормоқда. Соҳа вакилларининг фаолияти, айниқса, Президентимизнинг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қароридан сўнг янги босқичга кўтарилди. Бу соҳада илғор инновацион технологияларнинг қўлланилиши туфайли эса улар маҳсулот етиштириш билан чегараланиб қолмай, қайта ишлаш фаолиятини ҳам изчил йўлга қўймоқдалар. Бу ташаббуслари билан, табиийки, қишлоққа саноатни олиб киришга, аҳоли бандлигини таъминлашга, ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳудудий жиҳатдан пойтахтга энг яқин жойлашган Зангиота тумани ҳам ғаллачилик, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва чорвачилик ривож топган туманлардан бири сифатида аҳолини сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Туманда боғлар ва токзорлар 1.225 минг гектарни ташкил қилади. 2012 йилда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот 404221 млн. сўмга етиб, ўсиш суръати 106,7 фоизга тенг бўлди. Қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш мақсадида 497 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Шу маънода мазкур конференцияда билдирилган фикр-мулоҳазалар ЎзМТДПнинг аҳоли турмуш-даражасини реал ва жиддий оширишнинг асосий омили сифатида иқтисодий суверенитетни, иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлаш, миллий брендлар юзага келишига кўмаклашиш сингари иқтисодий йўналишдаги мақсад-вазифалар билан ҳамоҳанг эканлиги, ушбу маърузани партия вакиллари орасида кенг тарғиб қилиш ва ўрганишни ташкил этишни талаб қилади.

**Ҳакима НАЗАРОВА,**
**ЎзМТДП Зангиота туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси**

Партия лойиҳаси



# Ҳар жабҳада фаол

### хотин-қизлар "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловида сараланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Маърифатпарвар мутафаккир Маҳмудхўжа Беҳбудий "Хотин-қизларни жамиятнинг тўлақонли аъзолари сифатида қабул қилмасдан, оила масаласини тўғри ҳал этмасдан, ёш авлодни тўғри йўлдан тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ этиш, уни тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас, охир-оқибат миллат тақдири унинг аёллари ва оиласининг ҳолатига боғлиқдир" деб бежиз айтмаган,- деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП фракцияси аъзоси Олтиной Эсонова. — Ўзбек аёллари бугунги кунда билими, истеъдоди, шижоати билан ҳам оиласида, ҳам жамиятда ўзининг мустаҳкам мавқеига эга бўлмоқда. Мазкур кўрик-танлов бугунги кун ёшларини, айниқса, хотин-қизларни шундай мезонлар асосида улғайишларида муҳим роль ўйнайди, десам хато қилмаган бўламан. Танловни кузатар эканмиз, унда иштирок этиш истагини билдираётган хотин-қизларнинг сафи кундан-кунга кўпаяётганини гувоҳи бўлдик. Хотин-қизларнинг истеъдоди, билим ва интилишларини рўёбга чиқаришга қаратилган бу каби кўрик-танловлар уларнинг нафақат оила, балки ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокининг ортишига ҳам хизмат қилиши, шубҳасиз. Бир-биридан доно, фаол қизлар зўр маҳорат билан танлов низомига мувофиқ, ўзини таништириш маҳорати, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-маънавий саводхонлик беллашуви ҳамда "Агар мен депутат бўлсам" шартлари бўйича беллашдилар. Ташаббускор, иқтидорли хотин-қизлар шартларни бажариш чоғида ЎзМТДП Дастури ҳамда сайловолди Платформасида илгари сурилган мақсад ва вазифалар, шунингдек, бугунги кундаги долзарб масалалар ҳамда келажак авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда муҳим бўлган вазифаларга



алоҳида эътибор қаратишди. Айниқса, "Агар мен депутат бўлсам" шартида партиянинг асосий дастурий мақсад-вазифаларидан бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини тўғри тақсимлаш, спортнинг турли йўналишларида шуғулланишлари учун шароит яратиш, шунингдек, техника шиддат билан ривожланаётган бир пайтда ёшларимизни турли таҳдиддан ҳимоя қилиш, уларни юксак маънавиятли, теран фикрли, тафаккурли бўлишига қаратилган таклифлар ўртага ташланди. Қизғин баҳс-мунозаралар асосида кечган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови якунида фаол иштирокчилар орасидан "Энг ташаббускор иштирокчи", "Энг билимдон иштирокчи", "Энг зукко иштирокчи", "Энг ёш, фаол иштирокчи", "Энг иқтидорли иштирокчи", "Энг назокатли иштирокчи", "Энг доно иштирокчи", "Энг шижоатли иштирокчи" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, улар партия Тошкент шаҳар Кенгашининг фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

***Нодира ҚЎШАКОВА, танловнинг Тошкент шаҳар босқичи ғолиби:***

— Бугун жамият тараққиётининг ҳар бир жабҳасида хотин-қизларнинг ўрни ва роли ортиб, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бормоқда. Бу жараёнда ЎзМТДП ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Партия "Аёллар қаноти" томонидан ўтказиб келинаётган мазкур кўрик-танлов хотин-қизларнинг ҳар томонлама фаоллигини оширишга, шунингдек, улар орасидан сиёсий жиҳатдан етук ва ташаббускор аёлларни кашф этишга хизмат қилиб келмоқда. Ўз мазмун-моҳиятига кўра, сиёсий аҳамиятга эга бўлган танловда илк маротаба иштирок этишим. Шунингдек, партиявий билимларимни ошириш баробарида ЎзМТДПдан сайланган депутатлар фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдим. Улар томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, ташаббуслар мен ва тенгдошларимни янада руҳлантирди. Танловнинг низоми билан таниша туриб, албатта мен бу тадбирда ғолиб бўламан, деб ўз олдимга мақсад қўйган эдим. Мана ниятим амалга ошди. Танловда иштирок этган барча қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари, кенг дунёқараши ва фаол фуқаролик позициясига эга эканлиги ҳар бир шартда сезилиб турди. Бу эса танловнинг юқори савияда ўтишида муҳим аҳамият касб этди.

* * *

Анъанага айланиб бораётган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" Республика кўрик-танловининг Андижон вилоят босқичи ҳам чин маънода билимлар баҳсига айланди, десак адашмаган бўламиз. Жамият ҳаётида давлатимиз томонидан хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг ўрни, ролини янада кучайтириш, қобилиятларини намоён этишига алоҳида эътибор қаратилаётганида ҳам эзгу мақсад мужассам. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан давлатимизнинг бу борада олиб бораётган ишларига мувофиқ тарзда ташкил этилган "Донолик, ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови мамлакатимиздаги истеъдодли, иқтидорли кўплаб хотин-қизларни кашф этишга хизмат қилмоқда, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичини кириш сўзи билан очган партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Комилжон Отахонов, жумладан, шундай деди:

— Бугунги кунда мамлакатимизда аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини юксалтириш ва мустаҳкамлаш учун алоҳида эътибор қаратилиб, барча шароитлар яратилган. Бу каби тадбирлар эса уларнинг жамиятни демократлаштириш жараёнларидаги роли ва иштирокини янада кенгайтириш, хотин-қизларда етакчилик-ташаббускорлик қобилиятини шакллантириш, ўз сиёсий билим ва малакаларини намоён этиш борасидаги ЎзМТДПнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади. Эътироф этиш лозимки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Андижон вилоят Кенгаши умумий аъзолари сони 11030 нафар бўлса, шундан 6334 нафарини аёллар ташкил этади. Шундай экан, умумий аъзоларимиз сонининг деярли 60 фоизини ташкил этувчи хотин-қизлар имконияти танловда ғолибликни қўлга киритишга йўл очади. Бу каби кўрик-танловлар вилоятимизда фаол хотин-қизларнинг сафи янада кенгайишига, ўз иқтидорларини намоён этишларига имконият яратади.

Таъкидлаб ўтилганидек, мазкур кўрик-танлов иштирокчилари партиянинг фаолияти, мақсад ва вазифалари, Устави ва Дастури билан янада чуқурроқ танишиш имкониятига эга бўлишмоқда. Шунингдек, мазкур кўрик-танлов хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини қўллаб-қувватлаш ҳамда фидойи, юксак салоҳиятли, изланувчан, янгиликка интилувчан, билимдон аёлларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, никоҳ ва оилани мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

***Ойгул ҚУРБОНОВА, танловнинг Андижон вилоят босқичи ғолиби:***

— Партиянинг энг йирик лойиҳаларидан бири бўлган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" республика кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритганимдан беҳад хурсандман. Энг олий мақсадим — мени қўллаб-қувватлаб турган партиядошларимнинг ишончини оқлаб, республика босқичида ҳам фахрли ўринларни эгаллаш. Туманимизнинг олис қишлоқларида ҳам бундай танловларнинг ўтказилиши биз ёшларнинг кўнглига завқ-шавқ бағишлаши билан бир қаторда ғайратимизга ғайрат қўшади. Шу билан бирга, танловда иштирок этган кўплаб тенгдошларимдан билмаганларимни ўрганиб, ўзаро тажриба алмашдик. Ўйлайманки, ҳали кўплаб сафдошларим бу кўрик-танловнинг ғолиблари бўлишади.

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**Замира РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбирлари**

"Мустаҳкам оила — ёруғ келажак гарови" танловига

# Саодат маскани

### аталмиш оилада баркамол авлод вояга етади

***Оила — инсоннинг ҳаёти, фаолияти, бир сўз билан айтганда, бутун умри чамбарчас боғлиқ ҳолда кечадиган маскан бўлиб, бу қўрғоннинг устунлари ўзаро ишонч, сабр-қаноат, меҳр ва муҳаббатдан қурилган бўлади, десак муболаға қилмаган бўламиз. Халқимиз азал-азалдан жамият фаровонлиги оила мустаҳкамлигида деб билган. Ҳар бир инсоннинг оиласи мустаҳкам экан, унда вояга етадиган фарзандлар жамият барқарорлиги ривожига ўз ҳиссасини қўша олади.***

Юртимизда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, айниқса, қизларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар хотин-қизларнинг оила ҳамда жамиятдаги нуфузини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда. Зеро, бўлажак оналарни оила қуришга жисмонан ва руҳий жиҳатдан тайёрлаб бориш, пировардида соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Яқинда вилоятимизга ташриф буюрган хорижлик сайёҳ билан суҳбатлашиб қолдим. У қуйидагиларни сўзлаб берди. "Мен ҳамиша ўзбек халқига таъзим қиламан. Бу гўзал диёрга еттинчи маротаба келишим. Илк бор ташриф буюрганимдаёқ, ўзбеклардаги меҳр-оқибат ва самимийлик, катталарга ҳурмат, айниқса, ота-онани қадрлаш, улар кексайганда ғамхўрлик қилиш хислатларини кўриб ҳайратланганман. Мен шуни тушундимки, юртингиздаги қадриятлар айнан оилада шаклланиб, сўнг жамиятнинг маънавий ривожига ҳисса қўшар экан. Ушбу ҳаётий мулоҳазаларим турмуш тарзимнинг қайсидир маънода ўзгаришига турткi бўлган. Ватанимда бўлган пайтларимда мана шундай инсонийлик фазилатларни қўмсаб, Ўзбекистонга яна келгим келаверади. Аминманки, ҳар қандай қудратли давлат яратилишининг асосларидан бири чуқур маънавий илдизларга, тарихи бой халқига бориб тақалади".

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, партия сайловолди Платформасида шахснинг шаклланишида оиланинг беқиёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида "Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари" шиори асосида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шунингдек, партия ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий ғурурни уйғотишни ўзининг устувор вазифаларидан бири деб билади.

Эътироф этиш керакки, келажагимиз эгаларининг ҳар томонлама камол топишлари, аввало, биз ота-оналарга боғлиқ. Шунингдек, бугун мамлакатимизда бошқа соҳалар каби спортга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Спорт туфайли нафақат йигитлар балки қизларимизнинг ҳам бўш вақтлари самарали тақсимланмоқда. Ёшлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт комплекслари фойдаланишга топширилди. Бизнинг туманимизда ҳам бундай кенг кўламли ишлар амалга оширилган. Ўтган 9 йил ичида Қашқадарё вилоятининг биргина Косон туманидан 45 нафар қиз курашнинг турли йўналишлари бўйича Республика, Осиё ва Жаҳон миқёсида мусобақаларда қатнашиб олтин, кумуш, бронза медалларини қўлга киритишди. Президентимиз ишонч билдирган қизлар йигитлардан ортда қолмай ана шундай эътирофга сазовор бўлмоқдалар.

Мазкур жараёнда фаол иштирок этиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан бир қатор лойиҳалар, спорт мусобақалари ташкил қилинмоқда. Қашқадарё вилояти Косон туманида педагогларни бирлаштирган партиянинг "Маърифатчилар" қуйи бўғини фаол иш олиб бормоқда. Аъзоларимиз билан биргаликда ёшларнинг бўш вақтларини тўғри тақсимлаш, шу билан бирга спортга қизиқувчан ёшлар сонини кўпайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, "Миллий тикланиш соврини учун" шиори остида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган спорт мусобақасида мактабимизнинг кўплаб ўқувчилари фахрли ўринларни эгаллашди. Қуйи бўғин аъзолари ёшлар, айниқса, мустақил ҳаётга энди қадам қўяётган, турмуш қурмоқчи бўлган ёшлар билан мустаҳкам оила барпо этиш, оила мустаҳкамлигида кўпроқ нималарга эътибор қаратиш лозимлиги хусусида давра суҳбатлари, ўқув-семинарлар уюштиришмоқда. Зеро, саодат соҳили аталмиш оилани асрасаккина, бизга ёруғ келажак ҳадя этади.

**Мунира МУСТАФОЕВА,**
**ЎзМТДП бошланғич партия ташкилоти етакчиси**

ЎзМТДП дастури — амалда

# Саломатлик тарғиботи

**аҳолида тиббий маданиятни юксалтиришга хизмат қилмоқда**

***ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши томонидан "Соғлом бола — буюк келажак кафолатидир" шиори остида тарғибот тадбири ўтказилди.***

Тадбирни партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Одилжон Мамадалиев кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, даволашнинг янги технология ва услубларини кенг жорий этиш, аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни ҳар йили қабул қилинаётган Давлат дастурларида ушбу йўналишдан келиб чиқиб қатор вазифалар белгиланиши ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар мисолида кўриш мумкин. ЎзМТДП ҳам соғлом турмуш тарзи анъаналари ва саломатлик маданиятини тарғиб қилиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлик ҳамда миллат генофондини сақлашга кўмаклашиш сингари дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда турли тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳамда спорт мусобақалари ўтказиб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур тарғибот тадбири партия дастурий мақсадлари қатори "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда беқиёс аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилаётган "Соғломлаштириш" тадбири жорий йилнинг январь ойидан бошланган эди. Мазкур тарғибот тадбири Мингбулоқ ва Поп туманларида ташкил этилиб, тадбир доирасида аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш борасидаги маърузалар тақдим этилиб, амалий тренинглар олиб борилди.

***Саломатхон АРЗИМАТОВА, халқ депутатлари Наманган туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, вилоят ревматалогия санаторияси бош врачи:***

— Жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўтказилаётган тарғибот тадбири вилоятимиз аҳолисининг барча эндокрин касалликлари, яъни диффуз, эндемик буқоқнинг барча даражалари, гипофизар субнанизм, қандли ва қандсиз диабет, ревматизм, сурункали тонзиллит касалликлари бўйича етарли маълумотга эга бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбирда мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етук қилиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, "Соғлом бола йили" Давлат дастури мазмун-моҳияти аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда. ЎзМТДП томонидан ўтказилаётган бундай тадбирлар ёшларнинг тиббий маданияти юксалиши, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларида муҳим ўрин тутади.

* * *

ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ҳамда бир қатор тиббиёт муассасалари ҳамкорлигида Пайариқ туманида "Миллат соғлиги ва генофондини ҳимоя қилиш - ЎзМТДПнинг устувор вазифаси" мавзусида саломатлик тадбири ўтказилди. Тадбирни партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Анвар Мирзаев кириш сўзи билан очди.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби тиббиёт тизимида ҳам қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Замонавий услубда бунёд этилаётган қишлоқ врачлик пунктлари, керакли тиббий жиҳозлар билан таъминланган тиббиёт бирлашмалари аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тизимини янги босқичга олиб чиқди. Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ЎзМТДП сайловолди Платформасида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий хавфли касалликлар профилактикаси ва уларга барҳам бериш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда миллат генофондини сақлашга кўмаклашиш устувор мақсад-вазифа сифатида белгиланганi ушбу йўналишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтаришни тақозо этади. Мазкур соғломлаштириш тадбири эса бу борадаги вазифалар ижросида муҳим ўрин тутади.

Тарғибот тадбирида республикамизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган 17 нафар малакали профессор ва шифокорлардан иборат гуруҳ шакллантирилиб, улар туман аҳолисига ўз маслаҳатларини беришди. Жамғарма ҳамда партия фаоллари томонидан соғлом турмуш тарзи ҳақида тушунтиришлар берилиб, қўлланмалар тақдим этилди.

Тарғибот тадбирида Бошмоқ қишлоқ врачлик пункти ҳудудидаги Довтепа, Янгиобод, Бешкал, Лолаҳовуз, Улфатон, Ёмонтўп, Қизилолма қишлоқларининг 700 нафардан зиёд фуқаролари иштирок этди.

***Дилрабо ИСМОИЛОВА, тадбир иштирокчиси:***

— Оналарни ҳаётнинг гултожи, болаларни эса турмушнинг қувончи, эртамиз эгалари деймиз. Она ва бола саломатлиги сулоламиз софлиги, шажарамиз боқийлиги демакдир. Бугунги тадбир давомида соҳа мутахассисларидан туғруқлар орасидаги муддат, фарзанднинг соғлом бўлишида кўкрак сутининг аҳамияти, бола парвариши хусусида кўплаб билимларга эга бўлдим. Қишлоқ аҳолисининг саломатлиги учун қайғураётган барча мутахассислар ва ЎзМТДПга миннатдорчилик билдираман.

***Муродим УМРЗОҚОВ, тадбир иштирокчиси:***

— Бугунги саломатлик тадбирига хўжалигимиз ҳудудидан кўплаб фуқароларнинг жалб этилгани, уларнинг ўз саломатлигига бефарқ эмаслиги бизни қувонтирди. Тадбир доирасида шифокорлар уйда ётган беморлар хонадонида бўлиб, улар ҳолидан хабар олишди. Тарғибот ишларига тажрибали ва маҳоратли шифокорларнинг жалб қилингани улар кўнглини тоғдек кўтарди. Бундай эъзозни эса киши қалбидан асло ўчириб бўлмайди. Ушбу тарғибот тадбирлари одамлар қалбида ана шундай эътибор ва эҳтиром туйғусини мустаҳкамлагани шубҳасиз.

**Азамат ҚОСИМОВ,**
**ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши матбуот котиби,**
**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

---

Хроника

# Азалий қадриятлар бардавомлиги

**маҳалла ва партия ҳамкорлигида самарали кечмоқда**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан "Аждодлар мероси — маънавият уммони" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, ўрта асрларда яшаб, ижод этган буюк Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тенгсиз асарлари ҳамда илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулкидир. Бу бой меросдан бутун башарият равнақи йўлида оқилона ва самарали фойдаланиш барчамизнинг бурчимиздир. Бу борада олимлар ва тадқиқотчиларнинг хизматлари алоҳида диққат-эътиборга муносиб бўлиб, айнан уларнинг меҳнати туфайли биз ўтмишнинг бебаҳо илмий меросини қайтадан кашф этмоқдамиз.

Тадбир давомида иштирокчилар мавзу юзасидан таклиф-мулоҳазаларини билдириб, ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎзМТДП Бектемир туман Кенгаши ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамкорлигида "Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишда маҳалла, оила ҳамда таълим муассасалари ҳамкорлиги" мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан ёшлар учун қулай имкониятлар яратиш, бандликка кўмаклашишда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда маҳалла, оила, таълим муассасалари масъулиятини янада ошириш, партия томонидан ўтказилаётган тадбирлар, амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтариш ҳамда бу жараёнларга ёшларни кенг жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидладилар. Эътироф этилганидек, бугунги кун ёшлари ҳар бир соҳада ўз салоҳиятини намойиш этиб, илғор ғоя ва лойиҳаларини амалиётга татбиқ этиш орқали улкан ютуқларга эришмоқда. Ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, истеъдодини ҳар томонлама камол топтиришда ЎзМТДП ҳамда маҳалла, оила, таълим муассасалари ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

## АНДИЖОН

ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши томонидан миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга бекаму кўст етказиш, бу борадаги ислоҳотларни кенг аҳоли қатламига етказиш мақсадида чекка қишлоқлар ҳамда маҳаллаларда кўплаб тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири партия Улуғнор туман Кенгаши томонидан "Миллий қадриятлар бардавомлигини таъминлашда партиянинг муҳим ва устувор вазифалари" мавзусида ўтказилди.

Таъкидланганидек, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашда партия томонидан ўтказилаётган маънавий-маданий тадбирлар, турли лойиҳа ҳамда кўрик-танловларнинг ўрни беқиёс. Бу борада партия томонидан ўтказилаётган "Миллий халқ ўйинлари" фестивали, "Озод юртнинг обод гўшаси" акцияси, "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" сингари кўрик-танловлар азалий қадриятлар бардавомлигини сақлаш, келажагимиз эгаларининг тарихимиз ва халқ анъаналарига нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотишда айни муддао бўлмоқда.

## СИРДАРЁ

Мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор натижасида оилавий тадбиркорлик ва қўл меҳнати билан шуғулланаётган уста-ҳунармандлар сони тобора ортиб бормоқда. Бу борада, айниқса, давлатимиз раҳбарининг "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони уста-ҳунармандлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш ҳамда соҳани янада тараққий эттиришнинг бош омилига айланди. ЎзМТДП Оқолтин туман Кенгаши томонидан "Оилавий ҳунармандчилик - турмуш фаровонлигининг муҳим омили" мавзусида ўтказилган тадбирда шу хусусида сўз борди.

Эътироф этилганидек, миллий ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, халқ ҳунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" анъанавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда соҳани янада тараққий этиши учун шароитлар яратишга кўмаклашиш ЎзМТДП сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган устувор мақсад-вазифалардан биридир. Бундай тадбирлар ўтказиш чекка қишлоқ ва маҳаллаларда оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, соҳа ривожи учун ажратилаётган имтиёзли банк кредитлари, зарурий ҳуқуқий маълумотлар ва банк хизматлари хусусида фуқароларнинг хабардорлигини ошириш имконини бермоқда.

## ЖИЗЗАХ

ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши, вилоят Ўлкашунослик музейи, Ахборот-кутубхона маркази ҳамда Архив бошқармаси ҳамкорлигида "Ёшларни маънавий баркамол этиб тарбиялашда ҳамкорликда иш олиб боришнинг педагогик асослари" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Таъкидланганидек, бугунги глобаллашув даврида соғлом, юксак маънавиятли ёшларни тарбиялаш масаласи жамоатчилик олдида турган долзарб вазифадир. Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш, миллий қадриятлар ва анъаналарга садоқатини кучайтириш, юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини шакллантиришда ЎзМТДП ҳамда таълим муассасалари ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, тадбирда ёшларни илмий-ижодий фаолиятга кенг жалб этиш масаласи ҳам қизғин муҳокама этилди. Хусусан, уларнинг илмий адабиётлар билан ишлаш кўникмасини кучайтириш, ахборот-ресурс марказлари илмий адабиётлар фондидан унумли ва самарали фойдаланиш масалалари ҳам баҳс-мунозараларга йўл очди.

## БУХОРО

ЎзМТДП Қоракўл туман Кенгаши томонидан "Тинчлик ва осойишталик — мамлакатимиз тараққиётининг кафолатидир" мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирда партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Н.Муталов сўзга чиқиб, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мамлакат тараққиётига ҳисса қўшиш барчанинг вазифаси эканини, ҳозирги замон ҳар биримиздан дунёда юз бераётган воқеликни теран мушоҳада қилиш, жаҳонда ва ён-атрофимизда кузатилаётган таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли сабоқлар чиқаришни талаб қилаётганини қайд этди.

Таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда ривожланиш ва тараққиётнинг бош омили юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамликдадир. Юрт тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлаш, маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

---

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# Аниқ мақсадлар сари

**интилаётган қуйи бўғин фаолиятини янада жонлантириш электорат манфаатларига хизмат қилади**

***Маълумки, аҳолининг жамиятдаги фаоллигини ошириш уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришдан, фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий шартларидан бири-дир. Жамият ҳаётининг турли жабҳаларидаги муҳим воқеалар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш, ЎзМТДП ғояларини тарғиб этиш орқали хайрихоҳлар сафини кенгайтириш партия ташкилотларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада партиямизнинг асосий таянчи ва аҳолига энг яқин бўғин ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари кўмагига таянилмоқда.***

Қуйи бўғин фаолиятини самарали йўлга қўйиш, партия ғоя ва мақсадларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, электоратни ўйлантираётган масалаларни ўрганиб, уларни юқори партия ташкилотлари, партия гуруҳлари даражасига олиб чиқиш каби ваколат ва имкониятлардан унумли фойдаланиш сиёсий партияларнинг ўрни ва роли юксалишига хизмат қилади. Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш, партия дастурий мақсадларини амалга оширишда янги, таъсирчан воситаларни кенг татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бошланғич партия ташкилотлари жойларда электоратни қизиқтирадиган масалалар, таклиф-мулоҳазаларни ўрганиб, партия гуруҳлари ёхуд партия ҳудудий ташкилотларига олиб чиқиб, тегишли чоралар кўрилишига ҳисса қўшиш имкониятига эга. Қуйи бўғин қанчалик фаол ва ташаббускор бўлса, партия ғоялари тарғиботи шунчалик самарали кечади. Шунинг учун бошланғич партия ташкилотларининг амалий саъй-ҳаракатларини янада кучайтириш, электорат билан ишлашда замонавий усуллардан кенг фойдаланиш, энг асосийси, аҳоли ўртасида мунтазам тарғибот тадбирлари ўтказиш партия дастурий мақсад-вазифалари ижросини таъминлаш ҳамда хайрихоҳлар сафининг кенгайишига хизмат қилади.

Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси қуйи бўғинлар фаолиятини жонлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида муайян саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. Бу борадаги ўқув-семинарлар қуйи бўғин етакчиларининг сиёсий-ҳуқуқий билимлари юксалишига хизмат қилмоқда, уларни янги ғоялар ва ташаббусларга ундамоқда. Таъкидлаш жоизки, бугун партия қуйи бўғинлари томонидан келажагимиз эгалари бандлигини таъминлаш, уларни оилавий тадбиркорликка жалб қилиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилаяпти. Қуйи бўғин фаоллари ташаббуси билан ҳунармандлар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилмоқда, тарихий қадамжо ва маҳаллаларда мунтазам ободончилик ишлари олиб борилаётир. Жумладан, жорий йил биринчи чорак якунлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мавжуд бошланғич партия ташкилотлари томонидан ўтказилган умумий йиғилишларда кўтарилган масалалар таҳлилий ўрганиб чиқилди. Бошланғич партия ташкилотлари томонидан умумий йиғилишларда кўтарилган масалалар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-жамоат ва маданий-гуманитар соҳаларга ажратилди. Шунингдек, ушбу масалаларни ижобий ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар бошланғич партия ташкилотларига бириктирилди. Йиғилишларда кўтарилган электорат манфаатларига тегишли масалаларни депутатлар маҳаллий вакиллик органларида депутатлик ваколатидан келиб чиқиб амалга оширишлари лозим.

Жорий йилнинг апрель-май ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мавжуд барча бошланғич партия ташкилотлари томонидан биринчи чорак якунлари бўйича ўтказилган умумий йиғилишларда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-жамоат ва маданий-гуманитар соҳаларда кўтарилган масалалар сони 1000 дан ортиқни ташкил этди. Улар орасидан айнан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг ўз ваколатидан самарали фойдаланиши натижасида ижтимоий-иқтисодий соҳага оид 123 та, ижтимоий-сиёсий соҳага оид 53 та, маданий-гуманитар соҳага оид 54 та масала ўрганилиб, ҳал этилди.

Юқоридаги рақамлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида ўсиш кузатилмоқда. Бу борада, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги бошланғич партия ташкилотлари самарали фаолият олиб бормоқда.

Мазкур ҳудудларда тузилган бошланғич партия ташкилотлари партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, ўтган давр мобайнида электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-гуманитар соҳаларга оид муҳим масалаларни кўтариб чиқдилар.

Ўз навбатида айтиш ўринлики, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилмаслигимиз", фаолиятимизни танқидий таҳлил қилган ҳолда янги босқичга кўтаришимиз лозим. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, эришилган натижалар билан бирга айрим камчиликлар, сусткашликка йўл қўяётган бошланғич партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас. Уларда ташаббускорлик ва қатъият етишмаяпти. Масалан, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги бошланғич партия ташкилотлари эътибор қаратиши керак бўлган, электорат манфаатлари билан боғлиқ масалалар мавжудлигига қарамай, сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Бу борадаги сусткашликларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, маҳаллий партия кенгашларига зарурий тавсиялар берилди.

Биринчидан, бошланғич партия ташкилотларининг электорат манфаатларига мос келувчи устувор масалалар ечимидаги иштирокини кучайтириш, шунингдек, сайлов кампаниясига тайёргарлик ва уни ўтказиш босқичида партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари томонидан бошланғич ташкилотлар фаолиятини бошқаришнинг замонавий услубларидан фойдаланиш зарур. Иккинчидан, бошланғич партия ташкилотларининг электорат манфаатларини, уларни муайян ижтимоий масалалар ечимидаги талабларини аниқлашдаги фаолиятини ташкил этиш, қонунлар ва қарорлар ижроси устидан жамоатчилик назоратида иштирок этиши ва мазкур фаолиятни такомиллаштириш лозим. Учинчидан, партия туман, шаҳар кенгашлари томонидан сайлов жараёнларида БПТ аъзолари сафидан кузатувчилик ҳамда ваколатли вакил вазифасини топшириш мумкин бўлган салоҳиятли шахсларни саралаб олиш ва тайёрлашга йўналтирилган фаолиятни мувофиқлаштириш талаб этилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик ва иштирок этиш даврида бошланғич партия ташкилотлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Беҳзод СОДИҚОВ,**
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси**

Давра суҳбати

# Партия фаолиятининг устувор йўналиши

**дастурий вазифаларни сон ва сифат жиҳатдан мутаносиблигини таъминлашдир**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбирни ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ғайрат Қодиров кириш сўзи билан очди.

— Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнида сиёсий партиялар ролининг кучайиши ЎзМТДП-нинг дастурий вазифалари йўлида изчил ва қатъий ҳаракат қилишни талаб этади. Давлат дастурлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлаш, партия ғояси, мақсадларини кенг тарғиб қилишнинг замонавий усулларини амалиётда қўллаш, барча даражадаги партия ташкилотлари ва бўғинларининг фаоллигини ошириш сиёсий партия фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу вазифаларнинг сифат ва сон жиҳатдан мутаносиблигини таъминлаш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан саналади.

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини партия электорати ва кенг аҳоли қатламига етказиш ЎзМТДПнинг муҳим вазифаларидан бири. Хусусан, яқинда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунлари ЎзМТДП фаоллари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни юрт келажагига дахлдорлик руҳида, ватанпарвар қилиб тарбиялаш партия олдида турган асосий вазифалардандир.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдуғафур Маматов "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117 )"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, қуйидагиларни таъкидлади:

— Конституцияга киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" принципини босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги масъулиятини ошириш каби муҳим вазифаларни ўз ичига қамраб олади. Бу эса юртимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш борасидаги ишларни юқори босқичга кўтариш, энг муҳими, жамиятимизнинг барча жабҳаларини жадал ривожлантиришга хизмат қилади. Шундай экан, асосий Қонунимизнинг айрим моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини партиядошларимиз, сайловчиларимиз, умуман, кенг жамоатчиликка чуқур тушунтириш олдимиздаги муҳим вазифадир.

Тадбир давомида Президентимизнинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциядаги маърузаси аҳамияти хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Эътироф этилганидек, юртимиз азал-азалдан илм-фан, маданият, санъат ўчоғи бўлиб келган, бу кўҳна заминда яшаб ўтган олимлар, алломалар дунё тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган. Улуғ аждодларимизнинг бой маънавий ва илмий меросини асраб-авайлаш, уларга нисбатан ёшлар онгида чуқур ҳурмат туйғусини кучайтириш, аждодларга муносиб авлодни камол топтириш, ёш олимларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ЎзМТДП дастурий мақсадларининг устувор йўналиши ҳисобланади. Мазкур маърузанинг ЎзМТДП Дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар билан муштараклиги партия ташкилотлари ҳамда фаоллари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан партия гуруҳлари фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш, электорат муаммоларини маҳаллий Кенгашлар сессияларига олиб чиқиш ва улар ижросини назорат қилиш ҳамда партия дастурий мақсадлари ижросини таъминлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилди.

***Ўтагул БАЙЖОНОВА,***
***халқ депутатлари Зафаробод туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***

— Асосий қонунимизга киритилган муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Қонунчиликка киритилган мазкур ўзгаришлар фаолиятимизни янада кучайтириш, ташаббускорлик ва масъулиятимизни оширишнинг муҳим кафолати бўлди. Зеро, давлат ҳокимияти органлари олдида турган вазифаларнинг самарали ҳал этилиши, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ҳар бир фуқаро, бутун жамиятнинг манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**



Фракция аъзолари қонун лойиҳаларини муҳокама қилмоқдалар.

Партия гуруҳларида

# Электорат учун муҳим масалалар

**қай даражада ҳал этилмоқда?**

***Мамлакатимизда кечаётган туб ўзгаришлар, ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш ва фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар депутатлар зиммасига ҳам улкан масъулият юкламоқда. Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган маърузасида илгари сурилган ғоя ва фикрлар сиёсий партияларнинг жойлардаги ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларидан янада фаол ва ташаббускор бўлишни, ўз электоратини ўйлантираётган масалаларни атрофлича ўрганиш ва ҳал этиш чора-тадбирларини кўришда изчил фаолият олиб боришни талаб қилмоқда. Зеро, юртимизда кечаётган ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги масалаларнинг ҳал этилишида маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.***

Хўш, партиянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларига ташаббус-масалалар киритиш, фуқаролардан тушган мурожаатлар асосида депутатлик сўровларини амалга ошириш, жойлардаги мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини тинглаш, ҳудудларда Давлат дастурларининг бажарилишини назорат қилиш каби депутатлар ва партия гуруҳлари зиммасидаги долзарб вазифалар халқ депутатлари Навоий вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар томонидан қай даражада бажарилмоқда? Улар бугунги давр талабидан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатиб, ўзларига билдирилган ишончни оқлаяптими?

Айни пайтда ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашида 13 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 69 нафар, жами 82 нафар депутат партиямиз Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўлида изчил фаолият олиб бормоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз ташаббуси билан маҳаллий Кенгаш сессияларига 2 та ташаббус-масала киритилди. Фуқаролар мурожаатлари асосида 41 та депутатлик сўрови амалга оширилди ҳамда шу давр мобайнида партия гуруҳларимизнинг бевосита ташаббуси билан 17 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилди. Шунингдек, ҳудудларни мақсадли дастурлар асосида ривожлантириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 16 та таклиф доимий комиссиялар йиғилишларида кўриб чиқилди.

Бу борада партия гуруҳларимизнинг ўтган йилнинг биринчи чорагидаги умумий фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, улар томонидан муайян ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, партия гуруҳлари томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиялари ва доимий комиссиялари кун тартибига 10 та ташаббус-масала ва 6 та таклиф киритилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди. Буни туман ва шаҳарлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, юқорида қайд этилган ташаббус-масалалар халқ депутатлари Навбаҳор, Нурота, Қизилтепа, Учқудуқ туман ҳамда Навоий шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларимизнинг фаоллиги кўзга ташланади. Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида депутатларимиз томонидан ўтган йил давомида 174 та депутатлик сўрови амалга оширилди. Шунингдек, партия гуруҳларимиз ташаббуси билан 34 та таклиф доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама этилди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилда вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги барча депутатларимизнинг ҳам фаолиятини қониқарли, деб бўлмайди. Буни жойлардаги мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш, фуқаролар мурожаатлари асосида депутатлик сўровлари ўтказиш, сессияларда партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларидан келиб чиқиб масалалар киритишда сусткашликка йўл қўяётган айрим туман ва шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳлари фаолияти мисолида кўриш мумкин. Жумладан, халқ депутатлари Хатирчи, Кармана, Томди, Конимех туман Кенгашларидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари томонидан 2012-2013 йилларда ҳамда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бирорта масала маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига олиб чиқилмаган. Доимий комиссия йиғилишларида партия электорати манфаатларига оид таклифлар билан чиқиш борасида ҳам шундай эътиборсизлик кўзга ташланади.

Айрим депутатларимиз фаолиятида кузатилган бу каби камчиликларни бартараф этиш, уларнинг электорат манфаатлари йўлидаги ташаббускорлигини, амалдаги қонунлар ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашдаги фаоллигини ошириш, ўз навбатида, аҳоли фаровонлиги ва ҳудудлар равнақида муҳим ўрин тутади.

***Бахтиёр БОЗОРОВ,***
***халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:***

— Юртимизда кечаётган демократик ислоҳотлар жараёнида партия гуруҳлари иштирокини кенгайтириш, ишимизга янгича ёндашувни жорий этиш давр талабидир. Шу нуқтаи назардан жорий йилда алоҳида режа асосида "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари", "Ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан депутатлик сўровномалари бериш тажрибаси" мавзуларида давра суҳбатлари ўтказиб боришни режалаштирганмиз. Шунингдек, дастурий мақсадларимизни жамият ҳаётида тўлақонли татбиқ этишга қаратилган тарғибот ишларини кучайтириш, тадбирларнинг халқчил, самимий руҳда ўтишини таъминлаш масаласи ҳам диққат-эътиборимизда. Айниқса, жорий "Соғлом бола йили"да олдимизда турган вазифаларнинг кўлами кенг. Шу боис халқ вакили сифатида бизга берилган имконият ва ваколатдан унумли фойдаланган ҳолда, юртимиз истиқболи йўлида амалга оширилаётган ишларнинг бевосита иштирокчиси бўлишимиз лозим. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, депутатларимиз иштирокида "Соғлом бола йили" Давлат дастури мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишга қаратилган "Соғлом она — соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишидир", "Маънавиятли, соғлом оила — ёруғ келажак тимсоли", "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур" мавзуларида турли давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилаётир.

**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Депутатлик сўровлари

# Ҳудудларни ривожлантиришда депутатлар фаоллиги

**катта аҳамиятга эга**

***Депутатлик сўровлари электорат манфаатларини ҳимоя қилиш билан биргаликда, фуқаролар ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим жиҳатлардан биридир. Бугунги кунда депутатларнинг тегишли ташкилотларга киритган сўровлари аксарият ҳолларда ижобий ҳал этилаётгани ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, партия электоратини ўйлантираётган кўпгина масалаларнинг ечим топишига омил бўлаётир.***

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларимиз томонидан 2013 йилда мингга яқин депутатлик сўровлари амалга оширилиб, шундан 830 таси ижобий ҳал этилган. Бунга Жиззах вилоятида тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш, Андижон вилоятида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқув, таълим-тарбия жараёнини янада яхшилаш, Фарғона вилоятида коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида депутатлик сўровлари воситасида ижобий ҳал этилган кўплаб ибратли ишларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Депутатларимиз ташаббускорлигида амалга оширилаётган бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар деярли ҳар бир маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятида мавжуд эканлиги, қувонарли ҳол. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ўз фаолиятлари давомида партия Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни изчил амалга оширишга эътибор қаратишмоқда. Партия дастурий мақсадларини амалга оширишда, аҳоли ва электорат манфаатларини таъминлашда депутатлик сўровлари муҳим аҳамият касб этади. Хўш, бу борада халқ депутатлари Наманган вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан амалга оширилаётган депутатлик сўровлари ҳақида нима дейиш мумкин? Депутатлар ўз зиммасидаги масъулият ва электорат ишончини қай даражада ҳис этмоқда?

Айтиш мумкинки, халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Атҳаммирза Ҳожимирзаев томонидан амалга оширилган депутатлик сўрови ёш авлодни замонавий илм-фан билимдонлари этиб тарбиялаш йўлида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз олдига қўйган мақсад-вазифаларга мос келади. Яъни депутат Уйчи туманидаги 21-умумтаълим мактабининг қурилиши охирига етказилмаган қўшимча биносини битказиш масаласи бўйича туман ҳокимлиги ва туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига сўров киритиб, масаланинг ижобий ҳал этилишига ҳисса қўшди. Бу борада мактаб директори Баҳодир Ҳолиқов қуйидагиларни эътироф этди:

— Депутатлик сўровлари тегишли тартибда, тўғри йўналишда амалга оширилса, албатта, ижобий ечим топишининг гувоҳи бўлдим. Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Атҳаммирза Ҳожимирзаевга мактабимизнинг қурилиши тугалланмаган қисмини битириб, ишга тушириш борасида ёрдам беришини сўраб, мурожаат қилган эдик. Депутат мавжуд аҳволни ўрганиб, тегишли идораларга сўров киритди. Натижада Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ, мактабимизга 902 млн. сўм маблағ ажратилди. Ҳозирда 240 ўринга мўлжалланган бир нечта синфхона ва лаборатория хоналари, замонавий спорт зали қурилиши бошлаб юборилган. Мазкур бино янги ўқув йилида фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда. Партия фаолларининг ташаббускорлигидан ота-оналар, ўқитувчилар ва ҳудудимиз аҳли жуда мамнун, - дейди суҳбатдошимиз.

Маълумки, халқ депутатлари Наманган вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар сони 45 нафарни ташкил этади. Бу ҳар бир депутат электоратни ўйлантираётган 2 та масала юзасидан йилда бир марта сўров киритганида ҳам юзга яқин масала ўз ечимини топади, деганидир. Шунингдек, юқоридаги каби ҳар бир фуқаро партия руҳини ҳис этиб, унинг нуфузи ошиши йўлида ҳаракат қилишига, халқ вакилларини қўллаб-қувватлашига хизмат қилади. Бироқ ўтган йил мобайнида халқ депутатлари Наманган вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан бор-йўғи 34 та сўров амалга оширилган.

— Халқ депутатлари Наманган вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун ва қарорлар тарғиботи юзасидан аҳоли ўртасида учрашув ва тадбирлар ташкил этиш борасида самарали ишлар олиб бормоқда, - дейди ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Одилжон Мамадалиев. — Бироқ айрим депутатларимиз томонидан 2013 йилда аҳоли мурожаатларини инобатга олган ҳолда, тегишли ташкилотларга сўровлар киритиш борасида оқсоқликларга йўл қўйилган. 2014 йилда мазкур камчиликларнинг олдини олиш мақсадида партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди. Бунинг натижасида депутатларимиз фаоллиги ошиб, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида турли ташкилот ва мансабдор шахсларга 49 та сўров киритилди. Шунингдек, вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига 3 та ташаббус-масала киритилиши режалаштирилган, - дейди О.Мамадалиев .

Дарҳақиқат, ўз фаолиятимизни таҳлил қилиб, ютуқ ва камчиликларимиздан тўғри хулоса чиқаришимиз келгуси муваффақиятларга замин яратади. Бу ўринда депутатларимиз ҳам зиммасидаги масъулият ҳиссини чуқур англаб, ўз ваколатларидан унумли фойдаланган ҳолда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ҳисса қўшишлари, бу йўлда бор куч-ғайратларини сафарбар этишлари лозим. Зеро, халқ вакили сифатида аҳоли манфаатларини ифода этишда депутатдан фаоллик ва ташаббускорлик талаб этилади, холос.

**Умида УЗОҚОВА**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Боқий мерос

***Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир.***

**Ислом КАРИМОВ**

# Ҳар ўн йилда — бир мутафаккир...

***Шу йилнинг 15-16 май кунлари Самарқандда "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 50 дан зиёд мамлакатидан нуфузли олимлар иштирок этди.***



Халқда: *"Буюклар ҳар юз йилда бир туғилади"*, - деган машҳур гап юради. Бу нақлдаги *"буюк"* сўзи замирида жаҳонга таниқли зотлар кўзда тутилаётгани аниқ. Аммо бир асрда бир улуғ зот етишиб чиқиши бошқа юртларга тегишли кўринади. Чунки...

Яқинда "Тафаккур" нашриёти Имом Бухорий халқаро маркази билан ҳамкорликда "Мутафаккирлар" деган умумий ном остида бир хил ҳажм ва дизайнда чиқарган илмий-оммабоп рисолалар туркумидаги китобчаларни яна бир карра ўқиб чиқишга тўғри келди.

Эътироф этиш жоизки, "Тафаккур" нашриёти мутасаддилари яхши йўл топишган. Ҳар бир мутафаккир ҳақида тез фурсатда ўқиб чиқса бўладиган ихчам китобчалар чиқарди.

Туркумда *Аҳмад Фарғоний* (797-865 й. Муаллиф — Сарвархўжа Бобоев), *Имом Доримий* (798-869 й. Муаллифлар — Қодирхон Маҳмудов, Ёқуб Мансуров), *Ҳаким Термизий* (820-932 й. Муаллифлар — Убайдулла Уватов, Олим Жўраев), *Имом Термизий* (824-894 й. Муаллиф — Саидазим Мамадалиев), *Имом Мотуридий* (870-944 й. Муаллиф — Фахриддин Муҳаммадиев), *Абу Наср Форобий* (873-950 й. Муаллиф — Нодир Қобилов), *Абу Райҳон Беруний* (973-1048 й. Муаллиф — Бахтиёр Тўраев). *Абу Али ибн Сино* (980-1037 й. Муаллиф — Йўлдошхон Исаев), *Маҳмуд Замахшарий* (1075-1144 й. Муаллифлар — Олим Жўраев, Абдуҳалим Муҳиддинов), *Бурҳониддин Марғиноний* (1117-1197 й. Муаллиф — Шукрулло Умаров) каби улуғ боболаримиз ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар билан танишамиз.

Бирров назар ташлаш биланоқ бу мутафаккирлар исми шарифини, қачон туғилиб, қачон вафот этгани, ҳатто, неча йил умр кечирганини, ким кимдан олдин дунёга келганини тартиб билан билиб оламиз. Шунинг ўзиёқ — бир катта маърифат. Шунинг ўзиданоқ онг-тафаккуримизда буюк маънавий меросимиз ҳақида нималардир ойдинлаша боради.

Очиғини айтганда, кўпчилигимиз бу номларнинг айримларини сиртдан эшитганмиз, холос. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти, қолдирган мероси ҳақида кенгроқ маълумотга эга эмасмиз.

Ана шу нуқтаи назардан "Тафаккур" нашриёти тутган йўл — шубҳа йўққи, хайрли уринишлардан бири.

Мавжуд ўн китобчанинг ички тузилиши, қолипи деярли бир. Махсусан шундай қилинган. Бу рисолаларда ҳар бир зот билан боғлиқ қуйидаги маълумотлар алоҳида-алоҳида сарлавҳачалар остида берилган: исми шарифи, у зотнинг ким экани, қачон ва қаерда туғилгани, қандай оилада вояга етгани, қандай давр ва муҳитда яшагани, устозлари, шогирдлари, асарлари, фан ва маънавиятга қўшган ҳиссаси, меросининг бугунги аҳамияти, ҳаётидаги ибратли воқеалар, у ҳақда бошқалар билдирган фикрлар, асарларида учрайдиган ҳикматли сўзлар ва ҳоказо. Албатта, вазиятга қараб, баъзи рисолаларда бу тартибга айрим ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилган.

Рўйхатдан кўриниб турибдики, милодий ҳисобда бу ўн буюк зотнинг биринчиси — 797, энг охиргиси эса — 1117 йили туғилган. Демак, ўрта асрларнинг 320 йили орасида юртимиздан шунча буюк мутафаккир етишиб чиқибди! Бу бизда ўртача ҳар асрда уч улуғ зот таваллуд топганидан далолат беради.

Эски тилимизда *"қарн"* деган замон бирлиги бор. Бу худди ҳозир фаол ишлатадиганимиз — *"аср"*га ўхшаган сўз. Фақат фарқи — аср 100 йилни, қарн эса — 30 йилни билдиради. Демак, шу туркумнинг ўзинигина ҳисобга олганимизда ҳам, бизда ҳар бир асрда эмас, ҳар бир қарнда бир буюк дунёга келар экан! Шунинг учун Ўзбекистонимизнинг хорижда ҳам кўпинча *"буюклар юрти"* деган таъриф билан тилга олиниши бежиз эмас.

Аммо худди шу 320 йил ичида биздан яна кимлар чиқмади, дейсиз! Булар сафига Иброҳим Адҳам (IX аср), Абу Абдулло Жаъфар Рўдакий (858-941), Абу Бакр Ҳомид Шоший (1007-1092), Юсуф Хос Ҳожиб (1120/1121 йили туғилган), Маҳмуд Кошғарий (XI аср), Абу Бакр Шоший (1038-1114), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Юсуф Саккокий (1160-1228), Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048-1141), Хожа Ҳасан Андоқий (1069-1157), Хожа Абдуллоҳ Барроқий (XI-XII асрлар), Хожа Аҳмад Яссавий (тахминан XI асрнинг иккинчи ярми — 1166), Абдулхолиқ Ғиждувоний (1103-1179), Хожа Ориф Ревгарий (1165-1236/37) каби зоти мукаррамлар номи шарифларини бемалол қўшиш мумкин.

Унда бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган бу муқаддас юртда ҳар ўн-ўн уч йилда шундай бир мутафаккир туғилгани аёнлашади.

Кўҳна тарих мобайнида башарият тамаддуни равнақига улкан ҳисса қўшган мамлакатлар у қадар кўп эмас: Хитой, Ҳиндистон, Турон (Ўзбекистон), Эрон, Вавильон (Ироқ), Византия (Туркия, Ироқ), Арабистон (Саудия), Миср, Юнонистон, Италия, Англия, Франция, Германия, Россия...

Бу рўйхатни ҳеч ким ўз ихтиёрича кенгайтириб юборишга ҳақли эмас. Бу рўйхатнинг ўрталарида Ўзбекистон деган муқаддас диёрнинг номи ҳам мустаҳкам ўрин олиб турибди! Шу нуқтаи назардан, биз — шакшубҳасиз, буюк халқмиз. Турон деганда эса, асосан, бугунги Ўзбекистон ҳудуди кўзда тутилади. Чунки қадим-қадимдан тамаддун айнан шу ҳудудда равнақ топгани, биздан не-не буюк зотлар етишиб чиққани — ҳаммага маълум. Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида 46 нафар ана шундай буюк шахснинг номи тилга олинади.

Маънавият борасида бугун жаҳондаги саноқлигина мамлакатнинг бири эканимизни баралла айтиш учун ҳам давлатимиз мустақил бўлиши керак эди.

Аммо шу буюклик туйғуси истибдод йилларида куч билан халқ миллий руҳиятидан сиқиб чиқарилган, ўчай-ўчай деб қолган милтироқ чироқ шуъласи янглиғ пасайтириб ташланган эди. Энди истиқлол шарофати билан шу пиликни кўтариб қўйиш имконини қўлга киритдик.

Чиққан ана шу ўн китобча ҳақида умумий тарзда мулоҳаза қилиб айтадиган бўлсак, буларда ҳам дунёвий фанлар, ҳам диний соҳада жаҳонга чиққан боболаримиз ҳақида сўз боради.

Асосан, дунёвий фан вакиллари бўлгани учун Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино тўғрисида шўро даврида ҳам озми-кўпми ёзилган, тадқиқотлар қилинган, улар ҳаёти ва фаолиятидан бироз бохабар эдик, албатта. Аммо Имом Доримий, Ҳаким Термизий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний ҳаёти ва фаолиятидан ё тамоман бехабар эдик, ё улар тўғрисида қисмангина билардик, холос.

Мазкур туркум, биринчидан, ана шу кемтикликни тўлдиради, иккинчидан, бу дунёвий ва диний арбобларимиз тарихда, тамаддун равнақида, маънавият ва маданият тараққиётида тутган ўрнига бугуннинг кўзи билан қараб баҳо берилади, учинчидан, бу рисолаларни ёзиш учун муаллифлар фақат ўзимиздаги манбалардан фойдаланибгина қолмаган, чунки бундай жаҳоний шуҳрат соҳиблари ҳақида дунё илмининг хулосаларини ҳам истифода этмай туриб иш кўриб бўлмайди.

Тарих, аввало, бугун учун керак. Бутун инсоният, демакки, ҳар бир халқ ҳам ўз ўтмишидан хулоса чиқариб, аждодлар меросидан бевосита фойдаланиб яшаши лозим. Акс ҳолда, ҳар гал қайтадан ғилдирак ихтиро қилишга тўғри келаверади. Шу маънода бу туркумдаги китобчалар не-не буюк зотларнинг амалда нақадар камтар кишилар бўлганини исботлаб бергани билан ҳам қадрли.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти доценти**

Бугуннинг гапи

# Соғлом авлод дунёни асрайди

***Инсон бу ёруғ оламда умргузаронлик қилар экан, ўзидан яхши насл, ибратли амаллар, савобли ишлар қолишига интилади. Болажон халқимиз ҳамиша шу мақсадни кўзлаб яшайди, шоир Муҳаммад Юсуф ёзганидек: "яшаса болам деб яшайди ўзбек". Фарзандининг камолини кўриш — ота-она учун энг катта бахт.***



*(ЎзА) олган сурат.*

Истиқлолимизнинг дастлабки кунларидаёқ соғлом авлод тарбияси, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар ёш мустақил давлатимиз ижтимоий ҳамда маънавий-маърифий сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Негаки, фарзанд ўз-ўзидан соғлом, тарбияли, имон-эътиқодли бўлиб қолмайди. Қуш уясида кўрганини қилади деганларидек, бола илк қадамларидан бошлабоқ ўзи кўраётган, идрок этаётган нарсаларга эргашади, тақлид қилади, дунёқараши, характери оиладаги муҳит, атрофида кечаётган воқеалар, ўзига нисбатан муносабат асосида шаклланади. Бу дунёда яхши, эзгу нарсалар билан бирга турфа хил иллатлар ҳам мавжудлигини яхши англамайди ва ҳамма нарсага бола кўзи билан қарайди.

Шу боис, ижтимоий, маданий-маърифий йўналишдаги давлат дастурларида соғлом авлод тарбияси, оналар ва болалар саломатлиги, оиланинг мустаҳкамлиги, хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, оила ёшидаги йигит-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига урғу берилиши, мамлакатимизнинг олий мукофотлардан бири «Соғлом авлод учун» деб аталиши, айни шу номда махсус жамғарма тузилиши ва бошқа қатор тадбирлардан кўзланган асосий мақсад — янги соғлом авлод тарбияси билан кенг маънода шуғулланиш ва кутилган самарага эришиш эди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш борасида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" (1995 йил, 2 март), "Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари, хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга қўшимча имтиёзлар бериш борасидаги амалий ишлар, "Соғлом она — соғлом бола" Давлат дастури, янгидан барпо этилаётган скрининг ва перинатал марказлар фикримизга далил бўла олади. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимиз оналикни муҳофаза қилиш бўйича дунёнинг 125 давлати орасида етакчи ўринларга кўтарилди. Бу муваффақиятни ЮНИСЕФ — халқаро болалар жамғармаси ҳам расман эътироф этди. «Одамзот дунёда жуда кўп касб-ҳунар эгаси бўлиши мумкин, - деб таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов. — Қурувчи, деҳқон, боғбон, шоир, олим бўлиб ном қозониши, мол-мулк, бойлик орттириши мумкин. Лекин унинг энг катта бахти, масъулияти, ҳеч бир бойлик билан қиёслаб бўлмайдиган саодати — бу фарзанд кўриб, ота, она бўлиш бахтидир».

Бундан кўринадики, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бахтли ота ва она бўлиш, фарзандлар тарбияси, уларнинг ҳар жиҳатдан комил инсонлар бўлиб вояга етишлари йиллар давомида изчиллик билан олиб бориладиган кенг қамровли, пухта ўйланган тизимли таълим-тарбия ва машаққатли меҳнат натижасидир. Токи шундай экан, бу иш билан жамиятнинг барча институтлари, жумладан, давлат ва нодавлат ташкилотлари, оила, маҳалла, меҳнат жамоалари, таълим-тарбия муассасалари, ҳар бир ота-она доимий равишда шуғулланишлари лозим. Чунки, бола ва онага қараб, жамиятнинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий ривожланиш даражасини, миллатнинг келажагини билса бўлади. Болалари соғлом, бақувват, айни чоғда, тўғри тарбияланган, меҳнатга ўргатилган, одоб-ахлоқли, ҳалол-пок, ўтмиш аждодлар меросидан баҳраманд, замонавий билимларни чуқур эгаллаган юрт ҳеч қачон таназзулга юз тутмайди. Чунки янги авлод миллат шаънини янада юксакларга кўтаради, ижтимоий тараққиётга катта ҳисса қўшади. Буни дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатлари, хусусан, Япония, Жанубий Корея мисолида яққол кўриш мумкин. Янги авлод тарбияси учун сарфланган инвестиция моддий ва маънавий бойлик кўринишида ўзини бир неча бор оқлайди.

Тарихдан яна шу нарса маълумки, аёлини улуғлаган, ҳурматини жойига қўйган, ёш оилаларни, айниқса, фарзанд тарбиялаётган оналарни эҳтиром оғушига олган юртда, албатта, тараққиёт бўлади. Аёлнинг буюк иродаси, сабр-бардоши, зукко ақл-идроки билан жуда кўп муаммолар адолатли ҳал этилган. Бугунги кунда ҳам ҳар бир жамиятнинг маънавий қиёфасини, келажакдаги мақсад-муддаосини унинг аёлларга, оилага, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига муносабатида кўриш мумкин.

Айрим мамлакатларда оила биздагидек юксак мартабага эга эмас. Дунёнинг турфа мамлакатларида оила ва никоҳ масалаларига турлича ёндошувлар мавжуд. Жамиятнинг бу кичик ячейкасига инсон ҳаётининг мутлақо шахсий, фақат икки кишигагина тегишли бўлган хусусий иттифоқ сифатида қаралади. Шунга кўра никоҳ бир неча хил кўринишда тузилиши мумкин. Бунда томонларнинг бўлажак ота-она сифатидаги масъулияти эмас, ҳуқуқ ва мулк муносабатларининг шартномавий ифодаси бирламчи аҳамият касб этади ва бунга ҳеч ким ажабланмайди. Бугунги кунда ўта ривожланган, иқтисоди бақувват, номдор мамлакатларда ҳам маънавий-ахлоқий таназзул давом этаётганининг сабаби шунда бўлса керак. Чунки оила қураётганда асосий эътибор бола тарбиясига эмас, эр ва хотиннинг эркинлиги, ҳою ҳавасларига қаратилади.

Таассуфлар бўлсинким, бугунги мураккаб дунёда оилага, болалар тарбиясига муносабат ҳамма мамлакатда ҳам бир хилда эмас. Бирида бола азиз, одоби — мўътабар, бошқа бирида болалар тарбияси ва тақдири билан шуғулланишга, ҳеч бўлмаса, тўйиб овқат ейишларига, эгниларини бутлаб қўйишга, мактабларда ўқиб, савод чиқаришларига, қўлларига биттадан китоб, дафтар беришга имкон йўқ.

Болалар тарбияси билан боғлиқ яна бир ташвишли ҳолат шуки, глобаллашув шароитида ўсиб келаётган ёш авлод онгини заҳарлашга, уларни раҳм-шафқатсиз, худбин, қасоскор қилиб тарбиялашга бўлган уринишлар асло сусаяётгани йўқ. Бу иш билан шуғулланаётганлар видео, аудио ва бошқа воситалардан, ёвузликни тарғиб қилувчи жангари фильмлардан, порнографик босма нашрлардан фойдаланмоқдалар. Бундай номуносиб ҳаракатлар жамиятда ҳукм сураётган тинчлик-тотувликка, аҳил-иноқликка, ёш авлоднинг бахтли келажагига қарши қаратилган маънавий хуруж эканлигини унутмаслик ва уларнинг олдини олиш учун ёшлар онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш зарур. Токи ёшларимиз, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг «даъвати» ҳам, ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди».

Тажрибадан маълумки, ёшлигидан одоб-ахлоққа, катталарни ҳурмат қилишга, меҳнатга, тўғриликка ўргатилган, мустақил фикрга эга бўлган ёшларни йўлдан чалғитиб бўлмайди. Улар жамиятнинг фидойи, куюнчак аъзолари, ўз Ватани, улуғ аждодлари билан фахрланадиган, зиммаларидаги масъулиятни тўла ҳис этадиган авлод сифатида ҳар қандай шароитда ўзларини ҳимоя қилишга қодирдирлар.

Давлатимиз раҳбарининг таклифига биноан жорий йилнинг "Соғлом бола йили" деб номланиши ва махсус давлат дастурининг ишлаб чиқилишида ғоят чуқур маъно бор. Дастурда, биринчи навбатда, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби масалаларга алоҳида эътибор берилган, шунингдек, она ва бола саломатлигини асрашга хизмат қиладиган тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий асбоб-ускуналар, малакали кадрлар билан таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Соғлом авлод тарбияси, она ва бола саломатлиги, муҳтарам аёлларимизни эъзозлаш мамлакатимизда давлат ва жамият олдида турган, ҳар биримизга бевосита дахлдор муҳим вазифа мақомида туради. Чунки соғлом бола миллий тараққиётга эришишга замин яратади, дунёни, эзгуликни асрайди.

**М.АҲМАДЖОНОВ**

Етуклик сари

# Таълим-тарбиянинг мукаммаллиги

## мамлакат келажагини мустаҳкамлайди

*Мамлакатимизда юксак маънавиятли ва интеллектуал ривожланган, жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш, таълим тизимини ислоҳ қилиш ва уни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим омили бўлмоқда. Шу боис ҳам истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларни таълим ва спортга тўғри йўналтириш, бунинг учун барча имконият ва шарт-шароитларни яратиш давлатимизнинг устувор вазифалари сифатида белгиланган.*

Мазкур мақсад-вазифаларни амалга ошириш йўлида соҳанинг ҳуқуқий асослари яратилди. Хусусан, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, таълим-тарбия соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи "Таълим тўғрисида"ги қонун ва дунёнинг бирор мамлакатида учрамайдиган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинди. Таъкидлаш жоизки, "Кадрлаш тайёрлаш миллий дастури"га асосан мамлакатимизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш, авваламбор, сифатга, яъни ўқув дастурлари, билимлар сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу маънода фанларни ўқитиш тизимида илғор педагогик технологияларни қўллаш амалиёти жорий қилиндики, бу ўз навбатида, ўқувчи ёшларнинг билимларни пухта эгаллашида муҳим омил бўлмоқда.

Шу ўринда таъкидлашимиз керакки, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ёшларнинг чет тилларини пухта ўрганишида янада кенг имконият яратиб берди. Келажак эгаларига чет тилларини мукаммал ўргатиш мақсадда ўқув муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлашга, чет тили хоналарини замонавий ахборот-коммуникация ва техника воситалари билан қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз таълим тизимида ёшларга таълим бериш билан биргаликда касб-ҳунар ўргатишни назарда тутувчи 9+3 тизими жорий этилган. Бугунги кунда мазкур тизимнинг самаралари дунёнинг энг нуфузли ташкилотлари, хорижий экспертлар ва мутахассислар томонидан юксак баҳоланмоқда ва намуна сифатида ўрганилмоқда. Республикамизда ёшларнинг нафақат билим олиши, балки уларни ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш масаласи ҳам давлатимиз эътиборида бўлмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимида яратилган бундай имконият ва қулайликлар, ёшлар учун муҳайё қилинаётган шарт-шароитлар, ўз навбатида, ёш авлод вакилларидан янада фаолликни, ўқиб изланишни, берилган имкониятлардан унумли фойдаланишни талаб этади. Уларни билимли, ёт ғояларга қарши кураша оладиган ҳамда ўзининг мустақил фикрига эга, ҳеч кимдан кам бўлмаган, маънан етук ва комил инсонлар қилиб тарбиялашда биз педагоглар ҳам бор билим ва имкониятларимизни ишга солишимиз лозим.

**Гулшан РЎЗИЕВА,**
**Феруза ДАМИНОВА,**
**Тошкент юридик коллежи ўқитувчилари**





## Зиё маскани

*Йигирма мингдан ортиқ китобхонга хизмат кўрсатаётган Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган. 515 мингдан зиёд китоб фондига эга марказ китобхонларининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Уларга янада қулайлик яратиш мақсадида электрон адабиётлар ресурси ҳам шакллантирилган.*

**Зуҳриддин УМРЗОҚОВ /ЎзА/ олган суратлар**

Баркамол авлод

# Касб-ҳунар таълими

### ёшлар ҳаётида муҳим ўрин тутади

***Мамлакатимиз мустақилликка эришгач барча соҳалар сингари таълим тизимини ислоҳ қилиш, малакали педагог кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилди. Натижада шаҳару қишлоқларда замонавий, барча қулайликларга эга умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари бунёд этилди. Бу эса ўсиб келаётган ўғил-қизларимизнинг ўқиб ўрганиб, касб ҳунарли бўлишлари ва ҳаётда ўз ўринларини топишлари йўлида хизмат қилади.***

Бугунги кунда ёшларимиз ҳар жабҳада фаолдирлар. Қай бир соҳани олмайлик замонавий технологияларда эркин ишлай оладиган, дунёдаги соҳа янгиликларидан бохабар, чет тилларини мукаммал биладиган шижоатли ёшларни тарбиялашда педагоглар ушбу қулай имкониятлардан фойдаланиб ёшларга таълим-тарбия беришда бор билим ва имкониятларини ишга солишлари лозим.

— Бизнинг Нишон маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежимизда ҳам 9 та йўналиш бўйича 1215 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олиб келмоқда, - дейди коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Маҳмуд Ҳайдаров. — Ўқувчиларга 68 нафар ўқитувчи ва 21 нафар ишлаб чиқариш таълим усталари касб-ҳунар сирларини ўргатиб келади. Химия, биология, физика лабораториялари, лингафон ва компьютер синфи, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ўқув хонаси, пайвандлаш ва тикувчилик цехлари ўқувчиларнинг дарсларни аниқ ўзлаштиришлари учун қулай имконият яратиб келмоқда. Биргина тикувчилик цехимизда 2006 йилда Польша давлатидан имтиёзли кредит эвазига келтирилган 30 га яқин тикув машиналари ва зарур жиҳозлар мавжудлиги ўқувчилар учун бичиш-тикиш ишларини мукаммал ўрганишларига қулай имконият яратади.

Ёшларни келажакда етук, баркамол қилиб вояга етказиш ва маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш борасида ҳам кўпгина ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Даставвал уларни турли ёт ғоялар гирдобига тушиб қолмаслигининг олдини олиш, оммавий маданиятга қарши курашиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилган. Туман ички ишлар бўлими, вояга етмаганлар билан ишлаш туман комиссияси ҳамкорлигида «Огоҳлик — давр талаби», «Биз чекиш ва ичишга қаршимиз», «Вояга етмаган қизлар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш», «Соғлом келажак сари» каби мавзуларда турли учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги «Таълим муассасаларида мобиль телефонларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Спорт — тинчлик элчиси. Шу боис ёшларни спортга бўлган қизиқишларининг ошириш борасида режа асосида ишлар олиб борилмоқда. Тумандаги мавжуд 6 та касб-ҳунар коллежлари жамоалари ўртасида бўлиб ўтадиган турли спорт мусобақаларида ушбу коллеж жамоаларининг иштироки алоҳида баҳолаб борилади. Яқинда бўлиб ўтган «Камолот футбол кубоги»да коллеж жамоаси 1-ўринни қўлга киритди. «Камолот шахмат доскаси» спорт мусобақасида эса коллежнинг 2-босқич ўқувчиси Манзур Тошбоев биринчи, 3-босқич ўқувчиси Азиза Қурбонова иккинчи ўринни қўлга киритди. Худди шундай волейбол мусобақасида коллежнинг қизлар жамоаси 1-ўринни эгаллашди. Коллеж ўқувчилари нафақат спорт мусобақалари, балки бошқа мусобақа ва кўрик танловларда ҳам анча фаол. Туман миқёсида бўлиб ўтган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловида коллеж ўқувчилари биринчи ўринни қўлга киритганлиги фикримизнинг яққол исботидир.

**Шерзод ҚУРБОНОВ, «Milliy tiklanish» мухбири**

Реклама

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

## «Асака» банк (ОАЖ)

қуйидаги миллий ва хорижий валюталардаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

**миллий валютада:**

**«БАРАКАЛИ»**

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўланади

**«ИМТИЁЗЛИ»**

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга (газ, электр энергия, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмол ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юртларида таълим олиш бўйича контракт тўловларига) йўналтирилади.

**«СОҒЛОМ АВЛОД»**

Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**хорижий валютада:**

**«ШОДИЁНА» (АҚШ долларида)**

Омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фоизлар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

**«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)**

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади

**Шу билан биргаликда, «Асака» банк (ОАЖ) 90 турдаги миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.**

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 | Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади**

**Сизнинг омонатларингиз :**
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

**«Асака» банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

Хизматлар лицензияланган

**www.asakabank.com**

Танлов

## Анъанавий расмлар кўриги

*Ҳар йили мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида “Ер куррасида тинчлик” республика расмлар кўрик-танлови ўтказиб келинади. Бу йилги танлов “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш йўлида “Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!” шиори остидаги махсус ҳафталик доирасида ташкил этилди.*

Танлов икки босқичдан иборат бўлиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан кўплаб мактаб ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари қатнашди. Танлов ғолиблари эсдалик совғалар билан тақдирланиб, уларнинг ижодий ишлари Ўзбекистон Бадиий академиясининг Тошкент фотосуратлар уйида намойиш қилинди.

Мазкур кўргазмадан пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 86-ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчиси, кўплаб нуфузли кўрик танлов иштирокчиси Комила Сагатованинг натюрморт, манзара ва бошқа жанрлардаги ижод намуналари тақдим этилди.

Тадбир дунёни болаларнинг беғубор нигоҳида кўришни соғинган барча кишиларда ўзгача таассурот қолдирди.

**Ҳасан ҲОЖИЕВ**

AGROBANK

Реклама ўрнида

# Тадбиркор оила

### соғлом авлод ва соғлом бола кафолати

***Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, бугунги кунда иқтисодиётимизда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти тобора ортиб, халқимиз турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун давлатимиз томонидан кўплаб чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Шу боис, муваффақият сари интилувчи, ташаббускор инсонлар эл-юрт, оиласи ва яқинлари фаровонлигини таъминлаб келмоқда.***

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, соҳа вакилларини молиявий қўллаб-қувватлаш, ишбилармон ёшларнинг лойиҳаларини юзага чиқариш жараёнида банк-молия муассасаларининг ўрни беқиёс. Хусусан, “Агробанк” ОАТБнинг Тошкент вилоят бошқармаси ҳам бугунги кунда барқарор ва ишончли молия ташкилоти сифатида вилоятнинг чекка туман, қишлоқ ва овулларидаги аҳоли, тадбиркор ва фермер хўжаликлари билан мунтазам алоқа ўрнатиб, уларга турли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

“Агробанк” ОАТБнинг Тошкент вилоятидаги филиаллари билан ҳамкорлик қилиб, фаолиятини тобора ривожлантираётган соҳа вакилларининг қуйидаги фикрлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

***Зулфия МИРҲАЙИТОВА, “Asliddin Plyus Rivoj” оилавий корхонаси раҳбари:***

— Мамлакатимизда сўнгги йилларда оилавий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш, хусусан, касаначилик ва ҳунармандчиликни кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада ишбилармон-тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланиб улгурган банк ходимларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишимда оилам кўмаги ва “Агробанк” ходимларининг маслаҳатларига таяниб иш тутдим. Бизнес лойиҳамга асосан “Агробанк”нинг Паркент филиали томонидан 17 миллион сўм миқдорида кредит олишга эришдим. Мазкур маблағлар эвазига оилавий корхонамиз учун тикув машиналари ҳамда зарур матолар сотиб олиб, иш фаолиятимизни бошладик. “Соғлом бола йили”да ўзимизнинг маҳаллий матолардан болажонларимиз учун қулай ва бежирим бўлган турли кийим-кечаклар тикиб, маҳалла ва қишлоқларимиз аҳолисига етказиб бермоқдамиз. Олинган кредит ҳисобидан 5 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди. Энг асосийси, банк молиявий кўмагидан унумли фойдаланиб, оилам фаровонлиги ва юрт тараққиётига ҳисса қўшаётганимдан мамнунман. Келгусида банк билан ҳамкорлик қилиб, янги иш ўринлари ва маҳсулот турларини кўпайтириш ниятидамиз.

***Нозим ШОЖАЛИЛОВ, “PARKENT QUTB YULDUZ” МЧЖ раҳбари:***

— Илгарилари қишлоқ жойларда тадбиркорлик қилишнинг ўзи осон бўлмаган. Бироқ ҳозирги кунга келиб, тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб берилди. Хусусан, тижорат банклари томонидан тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш сифати йил сайин ошмоқда.

Юртимизда қурилиш маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бораётганлиги сабабли, оилавий тадбиркорлик асосида қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида “Агробанк” ОАТБ Паркент филиалига мурожаат қилдик. Банк мутахассисларининг маслаҳати ва кўмагида бизнес режа тузиб, шу асосда корхонага шлакоблок ишлаб чиқариш учун қуйиш анжомлари, турли қолип ва хом ашё сотиб олиш учун 90 миллион сўмлик кредит олдик.

Ушбу маблағ эвазига шу йилнинг ўзида замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида сифатли қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бугунги кунда цехимиз туман аҳолисининг шлакоблок маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондирмоқда. Бундан ташқари, янги корхона туфайли 6 нафар ёш ишли бўлди. Бир сўз билан айтганда, жорий йил биз учун омадли келди. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, банк билан ҳамкорликни давом эттириш ниятидамиз.



***Алишер МИРЗАЕВ, “УЛУҒБЕК ШОҲ” хусусий фирмаси раҳбари:***

— Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ҳамда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида”ги Қонунларида тадбиркорлик субъектларининг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлган оилавий тадбиркорлик ва оилавий корхонанинг ўзига хос хусусиятлари ўз ифодасини топган. Унга мувофиқ оилавий корхона оила яшаб турган турар-жойда фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни шу жойнинг ўзида сотиши мумкин. Бу эса қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятини юритишда кенг имконият ва шароитларни яратиб бермоқда. Мисол учун, нон пишириш цехини ташкил этиш олдидан дастлабки маблағга эҳтиёж сезган эдик. Шу сабаб “Агробанк” Тошкент вилоят Гулбаҳор филиалига мурожаат қилдик. Бизнес режа тузиб, шу асосда корхонага 35 миллион сўм кредит олдик.

Натижада шу йилнинг ўзида нон пиширишга мўлжалланган замонавий асбоб-ускуналар, янги, юқори сифатли нон ишлаб чиқарувчи печлар, хамир тайёрлаш учун миксерлар ва бошқа техник воситаларни харид қилдик. Янги технологиялар нон маҳсулотларини юқори даражада ва кўп миқдорда пишириш имконини бермоқда. “Соғлом бола йили” Давлат дастурида фарзандларимизни ҳар томонлама соғлом ва бақувват қилиб тарбиялаш асосий вазифамиз эканлиги алоҳида таъкидланган. Шундан келиб чиқиб, нон маҳсулотларимизни болажонларимиз учун турли витаминларга бой ҳолда тайёрлашга эришаяпмиз. Айни кунда цехимиз туман аҳолисининг нон маҳсулотига бўлган эҳтиёжини тўла қондирмоқда. Бундан ташқари, янги корхонамизда 3 нафар ёш иш билан таъминланди. Эндиликда яхши даромад қилиб, оиламиз фаровонлигини таъминлаш билан бирга фарзандларимизни ҳам касб-ҳунарга ўргатмоқдамиз.

**Эркин ДОРИПОВ, “Milliy tiklanish” мухбири**

MILLIY TIKLANISH
23 (292) 2014 йил
11 июнь, чоршанба



Бизнинг шарқ

# ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ҲУДУДЛАР



***Дунё миқёсида терроризм, экстремизм, наркобизнес, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши ва бошқа хавф-хатарларга қарши кенг кўламда кураш олиб борилаётир. Айни пайтда ядро қуролини тарқатмаслик масаласи долзарб ҳисобланади. Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага 182 давлат имзо чеккан бўлиб, улардан 153 таси, шу жумладан АҚШ, Россия Федерацияси ва Франция уни ратификация қилган. Шартномада қайд этилганидек, 44 мамлакат ядро салоҳияти ва техникасига эга.***

Айни пайтда сайёрамизда ядросиз ҳудудлар сони 6 тага етган. Булар — Антарктика (1959-йилдаги шартнома), Лотин Америкаси (1967-йилдаги Тлателолко шартномаси), Тинч Океанининг жанубий қисми (1985-йилдаги Роротонга шартномаси), Жанубий-Шарқий Осиё (1995-йилдаги Бангкок шартномаси), Африка (1996-йилдаги Пелиндаба шартномаси) ва ниҳоят, Марказий Осиё (2006-йил Семипалатинск шартномаси) ҳудудлари саналади. Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида имзоланган шартнома 2009 йилнинг 21 мартида кучга кирган. Ядро қуролидан холи ҳудудларнинг моҳияти шундан иборатки, уларни барпо этиш ташаббуси тегишли минтақа давлатларидан чиқиши лозим. Барпо этиш воситаси мажбурий кучга эга халқаро шартнома бўлиши даркор. Мазкур ҳудуд БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ҳам эътироф этилиши жоиздир.

Ўзбекистон 1992 йилнинг май ойида Марказий Осиё республикалари орасида биринчи бўлиб ядро қуролларини тарқатмаслик шартномасини имзолаган. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 1993 йилнинг 28 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган чиқишида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш масаласига алоҳида эътибор қаратади. "Ҳозирги замон воқелиги шундайки, бир мамлакатнинг хавфсизлиги бошқа давлат ҳисобидан таъминланиши мумкин эмас. Минтақа хавфсизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажралган ҳолда кўриб бўлмайди. Шунга асосланиб, Ўзбекистон ядро қуролининг батамом тугатилиши учун, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг самарали ҳаракат қилиши ва унинг ҳеч бир муддатсиз узайтирилиши учун ҳаракат қилади. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг ядросиз зона деб эълон қилинишининг қатъий тарафдоридир", - деган эди Президентимиз БМТ минбарида сўзлаган нутқида.

Президент Ислом Каримовнинг бу ташаббуси жаҳон ҳамжамиятида ўзининг амалий ифодасини топди. 2014 йилнинг 6 май куни БМТнинг Нью-Йорк қароргоҳида беш ядровий давлат — АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой Халқ Республикаси ва Россия давлатлари томонидан Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш ҳақидаги шартномага хавфсизлик кафолатлари тўғрисидаги протокол имзоланди.

— Мазкур оламшумул ҳужжат, - деди БМТ Бош котибининг қуролсизланиш бўйича юқори лавозимли вакили А.Кане, — Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ядровий қуролларнинг глобал тарзда тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Россия Федерациясининг БМТдаги доимий вакили В.Чуркин эса барча ядро қуролига эга давлатлар билан илк маротаба бир вақтнинг ўзида бу протоколнинг имзоланиши жаҳон тажрибасида ҳали кузатилмаган, - деган фикрларни билдирган. АҚШ давлат котибининг халқаро хавфсизлик ва ядро қуролларини тарқатмаслик масалалари бўйича ёрдамчиси Т.Кантримен ядро қуролидан холи зонанинг ташкил этилиши минтақа тинчлиги ва хавфсизлиги таъминланишининг муҳим омили бўлади, дея унга юқори баҳо берган.

Ядро қуролидан холи ҳудуд бу хавфсизлик кафолатидир. Марказий Осиёдаги Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатлари энди шартномада кўзда тутилганидек, ядро қуролларини ишлаб чиқариш, сотиб олиш, жойлаштиришга қарши шартнома мажбуриятига қатъий риоя қилишларига тўғри келади. Томонларга ядро энергетикасини тинч мақсадда ривожлантириш ҳуқуқи берилган. Афсуски, Корея ярим ороли ва Яқин Шарқда ҳам БМТ томонидан оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш борасидаги олиб борилган кўп йиллик музокаралар боши берк кўчага кириб қолган.

1997 йилнинг 15-17-сентябрь кунлари Тошкентда "Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона" мавзуида халқаро конференция ўтказилиб, унда Ўзбекистон президенти Ислом Каримов мазкур ҳудудни яратишнинг моҳияти ва йўллари тўғрисида шундай фикр билдирган эди: "Ядро хавфсизлигига умумий, кенг қамровли хавфсизлик, омон қолиш муаммосининг таркибий қисми сифатида қаралиши керак. Ядро қуролига эга ва эга бўлмаган давлатларнинг мажбуриятлари ўртасидаги мувозанат — ядро қуролидан холи зонанинг самарали фаолият кўрсатиши асосидир. Мен Марказий Осиёдаги ядро қуролидан холи зонанинг ишончли, мустаҳкам бўлиши, ядро қуролига эга бўлган барча мамлакатлар унинг мақомини эътироф этган тақдирдагина таъминланишига қатъий аминман".

1997-2002 йилларда БМТнинг қуролсизланиш масалалари ва халқаро атом энергияси ташкилоти — МАГАТЭнинг экспертлари иштирокида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш масаласи бўйича Женева, Ашхобод, Тошкент, Саппоро ва Самарқанд шаҳарларида амалий учрашувлар ўтказилди. Марказий Осиё минтақаси Шимолий Ярим шардаги биринчи ядро қуролидан холи ҳудуд эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу макон қуруқлик билан ўралган бўлиб, денгизга чиқишнинг имкони йўқ. Қолаверса, ядро қуролига эга Россия ва ХХРдек икки қудратли мамлакатлар билан чегарадошдир. Шунингдек, ядро қуроли бор мамлакатлар рўйхатида турган Ҳиндистон ва Покистонга ҳам туташган. Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббус БМТ хавфсизлик кенгашида 2004 йили қабул қилинган 1540-резолюцияси ядро қуролини сотиб олиш ва тарқатиш, ядро, кимёвий қуроллар ҳамда уларнинг террорчилар қўлига бориб етмаслигининг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон 2011 йилнинг март ойидан буён Марказий Осиё ядро қуролидан холи ҳудуд шартномасини татбиқ этиш масаласи бўйича координаторлик вазифасини бажариб келаётганини унутмаслик даркор. 2007 йилда қабул қилинган "Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борада муҳим аҳамият касб этади.

**Азимжон ПЎЛАТОВ**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Террорчилик ҳаракатлари

**НАТОнинг Афғонистондаги фронт орти базасига номаълум жангарилар ҳужум қилган.**



«ИТАР-ТАСС» тарқатган хабарларга қараганда, террорчилар Нангархар провинцияси маъмурий марказида коалицияга тегишли бир нечта юк машиналарини ёқиб юборишган. Жабрланганлар ҳақида маълумотлар тарқатилмаган. Сўнгги хабарларга қараганда, Афғонистон билан чегарадош қўшни Покистондаги Карачи шаҳрида ҳам террорчилик ҳаракатлари содир этилган. Қарийб 50 нафар қуролланган шахслар Карачи аэропортига ҳужум уюштирган. Мамлакат армияси ва террорчилар ўртасида отишмалар чоғида ҳалок бўлганлар ҳам борлиги айтилмоқда.

## Хавфсизлик камари ва ёстиқчада камчилик бор

**АҚШнинг General Motors корпорацияси турли носозликлар сабабли Шимолий Америка бозоридан қарийб 100 мингта автомобилни қайтариб олишини маълум қилган.**




Хабарларга қараганда, носоз автомобиллар орасидан 2012 йилда ишлаб чиқарилган 36 мингта Buick Verano, Chevrolet Cruze, Chevrolet Sonic ва Chevrolet Camaro моделлари бор. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ушбу транспорт воситаларида хавфсизлик ёстиқчаси билан боғлиқ носозликлар аниқланган. Шунингдек, 2014 йилда ишлаб чиқарилган 70 мингта Chevrolet Tahoe, Chevrolet Suburban, GMC Yukon, Chevrolet Silverado ва GMC Sierra моделлари ҳам қайтариб олинади. Ушбу автомобиллар қайтарилишига хавфсизлик камари тақилмагани ва машина эшиклари ёпилмагани ҳақида огоҳлантирувчи овоз сигналларидаги носозликлар сабаб бўлган. Яқинда General Motors ўт олдириш тизимидаги носозлик тўғрисидаги ҳисоботдан сўнг 15 нафар топ менежерни ўз лавозимидан озод қилган.

## Филиппинда сув тошқинлари

**Мамлакатда табиий офат оқибатида 10 киши ҳалок бўлиб, бедарак йўқолганлар ҳам борлиги айтилмоқда.**



Айрим маълумотларга кўра, тошқинлардан қарийб 10 минг филиппинлик зиён кўрган, кўпчилик уйларини тарк этишга мажбур бўлди. Шри-Ланкада юз берган сув тошқинлари оқибатида минглаб кишилар хавфсиз минтақаларга кўчирилган.

## Музокаралар давом этмоқда

**Женевада АҚШ ва Эрон расмийлари ядровий қурол муаммоси юзасидан музокаралар ўтказишган.**



Эрон ташқи ишлар вазири ўринбосари Аббос Арақчи музокараларнинг илк куни ижобий ва конструктив муҳитда ўтганини айтган. АҚШ Давлат департаменти матбуот котиби Мари Харф музокаралар кенг кўламли бўлганини маълум қилди. Кузатувчиларнинг фикрича, Женевада учрашган Вашингтон ва Теҳрон вакиллари Эрон ва олти йирик давлат ўртасидаги музокаралар олдидан айрим муаммоларни бартараф қилишга ҳаракат қилмоқда. Эрон ядровий муаммоси бўйича жаҳоннинг олти давлати иштирокидаги музокаралар шу йилнинг 20 июлига белгиланган. Унда санкциялар олиб ташланиши эвазига Теҳроннинг ўз ядровий дастурини чеклашига оид узоқ муддатли шартнома бўйича томонларнинг якуний битимга келиши кутилмоқда.

*Интернет хабарлари асосида тайёрланди*

Рангин дунё

# Родосдаги улкан ҳайкал

***Қадимги юнонларнинг қуёш маъбуди Гелиос қиёфасидаги улкан ҳайкал эрамизга қадар тахминан 280-йилда бунёд этилган. Родос қўлтиғи остонасини қўриқлаб турган афсонавий ҳайкал Кичик Осиё қирғоқларидаги грек оролларининг бирида жойлашган эди. Баландлиги 36 метр келадиган ҳайкал родослик Колосс номи билан ҳам аталган. Орол халқларининг бирдамлик рамзи бўлган афсонавий иншоот қадимги дунё мўъжизаларининг олтинчисидир.***



Артемида ибодатхонасининг кенжа замондоши ва рақобатдоши бўлмиш ноёб ҳайкал Родос оролининг халоскори сифатида ҳамиша ардоқлаб келинган. Эрамизга қадар 305 йилда македониялик Искандарнинг невараси Деметрий Полиоркет Кичик Осиё бағридаги гўзал оролни ўз салтанатига қўшиш учун Родосга қўшин тортади. Йигирма мингдан ортиқ сара аскарлар, ўша даврга хос барча замонавий қуроллар ёрдамида оролни қамал қилади. Тарихий маълумотларда қайд этилишича, қарийб тўрт ой давом этган жангда Деметрий кутилган натижага эришмайди. Қўшин орасида норозилик бошланиб, катта-кичик зобитлар уйга қайтишни талаб қилади. Шунда шоҳ энг сўнгги чора - Родос шаҳрининг қалъа деворларини бузиш учун Юнонистондаги энг моҳир қуролсозлар томонидан кашф қилинган улкан жез тошотарни Пелопоннесдан келтиришни буюради. Яқин Шарқ, Суриядаги шаҳарларни забт этишда қўл келган тошотарнинг бу тошлоқ оролда қандай натижа бериши ҳали номаълум эди. Буни билган баъзи бир тажрибали саркардалар шоҳни бу фикридан қайтармоқчи бўлади. Бироқ, қайсарлик бобида бобосидан ўтадиган Полиоркет қурилмани оролга келтиради ва шу баҳона исёнчиларни ваҳимага солишни ҳам кўнглига тугади.

Уч минг тўрт юз аскарнинг қўл кучи ёрдамида ҳаракатланадиган улкан деворбузар билан қилинган ҳужум ҳеч қандай наф бермайди. Денгизда эса аллақачон ёмғирлар мавсуми бошланган, қитъадан келадиган озиқ-овқат ортилган кемалар қатнови тобора сийраклашиб қолганди. Шунда Полиоркет келгуси баҳорда албатта оролга қайтажагини таъкидлаб, боши эгик ҳолда оролни тарк этади. Кетаётиб, буюк саркарданинг номуносиб невараси ўзи келтирган қуролни орол қирғоғида қолдириб кетади. Бу қурилма ўз даврининг ноёб кашфиёти эди. Зеро, ундан отилган харсанг ёки ёниб турган нефть тўла хум ҳар қандай қалъа деворини бир зарбдаёқ тешиб юборарди. Бироқ, Родос қамалида унинг кучи нима учундир сезилмайди.

Қирғоқдаги улкан металл қурилмани кўрган Родос аҳли ҳеч иккиланмай савдогарларга пуллаб юборади. Айтишларича, родосликлар уни Троя отидек қабул қилиб жуда ардоқлашган. Шунинг учун бўлса керак, савдогарлар талаб қилинган нархга сўзсиз рози бўлади. Ўз даврида 300 талант темир ва 500 талант жезга (ҳозирги ҳисоб-китоб бўйича 8 ва 13 тонна атрофида) жуда катта бойлик берилган. Шаҳар кексалари ана шу маблағ эвазига оролни сув тубидан олиб чиққан қуёш маъбуди Гелиос шарафига ҳайкал ясаттиришга қарор қилади. Бу вазифа машҳур ҳайкалтарош Харесга топширилади. Буюртмага кўра, маъбуд ҳайкали унинг шаҳар аҳлига кўрсатган карамидан кам бўлмаслиги лозим эди. Ҳайкалтарош ва унинг шогирди Лисиппа дарҳол ишга киришади. Узоқ вақт олиб борилган машаққатли меҳнатдан сўнг Гелиос ҳайкали тайёр бўлади. У юнонларнинг олий маъбуди Зевс сингари ўтирган ҳолатда эмас, аксинча, тик турган норғул йигит шаклида қад ростлайди.

Харес тик турган ҳолатдаги ҳайкалнинг сейсмик ноқулай жойда узоқ вақт туролмаслигини яхши англарди. Шунинг учун, у ҳайкални уч бўлакка бўлиб ишлайди. Ҳайкалнинг биринчи бўлаги — белдан пастки қисми ва икки оёғи қалин мис ҳамда уни тутиб турувчи мармар тошдан, иккинчи бўлаги — бел ва кўкраги темирдан, учинчи қисми — елка ва боши бронзадан ишланади. Икки қўли эса турли қайишувчан металл ва бронза қотишмаларидан ясалади. Родосликлар ҳайкалнинг очилиш маросимини ўн икки йил мобайнида кутишди. Бу ноёб ҳайкал шунча йил кутишга арзирди-да. Унинг гўзаллиги ва маҳобатини кўрган орол аҳли лол қолади. Гелиоснинг бошидаги гултожи қуёш нуридан куч олиб, ёғду сочаётган денгиз маёғидек узоқ-узоқлардан кўриниб турарди. Кўп ўтмай, ҳайкал довруғи бутун антик дунёга тарқалди. Аммо, орадан ярим аср ўтар-ўтмас, Ўрта Ер денгизида юз берган зилзила туфайли ҳайкал ерга қулади. Ҳайкалнинг энг заиф қисми тиззаси бўлиб чиқди.

Родосликлар улкан ҳайкални қайта тиклашга бир неча бор уринадилар. Бу ишда ҳатто Миср ҳукмдори асал ва усталар юбориб, ёрдам беради. Бироқ уринишларнинг бари зое кетади. Сабаби, улкан ҳайкалнинг биргина жимжилоғини бир неча киши аранг кўтара оларди-да. Минг йил давомида ер устида ётган ҳайкал ва унинг ҳудудини Харес авлодлари узоқ йиллар давомида кўз қорачиғидек асрашди. Бироқ, 977 йили қашшоқлик туфайли меъморнинг сўнгги авлоди ҳайкал қолдиқларини араб савдогарига пуллайди. Маълумотларга қараганда, ўшанда ҳайкалдан ажратиб олинган бронза парчаларининг ўзи 900 та туяга юк бўлган эмиш.

Қадимги дунё мўъжизалари рўйхатидан муносиб жой эгаллаган Родосдаги улкан ҳайкал антик даврга оид саноқли асарлар сирасига киради. Бор-йўғи 56 йил умр кўрганига қарамай, унинг чиройи ва маҳобати олдида не-не буюклар бош эгмаган, дейсиз. Замонавий ҳайкалтарошларнинг битмас-туганмас илҳом манбаи бўлмиш бу ҳайкал инсониятга ундан-да маҳобатли иншоотларни ҳалиҳануз ҳадя этиб келмоқда.

**Зафар МУҲАММАД**

*Дилнозани талабалик чоғларидан бери яхши биламан. Журналистика мутахассислиги бўйича сабоқ олган бу тиришқоқ қизни орадан йиллар ўтиб замонавий ва миллий либослар бўйича дизайнер бўлиб фаолият юритаётгани эътиборимни тортди. Дизайнер билан дилдан суҳбатлашиш ниятида "Анор" ателье салонига ташриф буюрдик. Уни қизғин иш устида учратдик.*

Миллий либослар

# "Анор" маҳсулотлари

### дунёга чиқишини истайман



**— Ҳорманг, Дилноза. Сизни дизайнер сифатида фаолият олиб бораётганингизни кўриб, очиғи, ҳайрон қолдик.**

— Биласизми, мода дунёси доимо кўпчиликни ўзига жалб этиб келган. Бу соҳада истаганча янгилик қилиш мумкин. Меҳнат қилган инсон ҳеч қачон эътибордан четда қолмайди. Тикувчилик қонимда бор, десам адашмайман. Эсимни танибманки, бувим, ойим, холаларим турли хил буюмлар тикишарди. 3-4 ёшимдан бошлаб қўғирчоқларимни ўзим кийинтирардим. 7 ёшимда эса тикув машинасида мустақил тикишни ўргандим. Болалигимдан дизайнер модельер бўламан, дердим. Соҳага шу қадар қизиққанимдан хонам матоларга тўлиб кетарди. 7-синфда ўқиётганимда қўшниларим ва ўртоқларимдан тикишга буюртма ола бошладим. Яқинларим ҳам мактабни битиргач, албатта, дизайнер бўлади, деб ўйлашарди. Бироқ кўнглимда тикувчиликдан ташқари ижодкорликка мойиллик бўлгани учунми, ҳужжатларимни Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетига топширдим. Журналистларнинг чиройли сўзлашишлари, ўзларини тутишларига ҳавасим келарди. Орзуларим амалга ошиб, талабалик бахтига муяссар бўлдим. Лекин, шунда ҳам тикишни ташламадим. Талабалик davrимда эса навбат курсдошларимга келди. Улардан буюртмалар олиб гўзал либослар яратардим. Олий ўқув юртини битирганимдан сўнг дизайнерликка бўлган қизиқишим устун келди. Кўриб турганингиздек, айни дамда дизайнер сифатида фаолият юритяпман. Ҳозирги кунда билимларимни бу борада янада мустаҳкамламоқдаман.

**— Бу қарорингизни оила аъзоларингиз қандай кутиб олишди?**

— Аввалига улар ҳайрон бўлишди. Бироқ ўзимга қўйиб беришди. Тақдир экан, журналист йигитга турмушга чиқдим. Турмуш ўртоғим ҳеч эътирозсиз мени қўллаб-қувватлаб, ателье очишимга кўмак бердилар. Иккимиз маслаҳатлашиб ательега "Анор" дея ном бердик.

**— Нега энди айнан "Анор"?**

— Аввало, бу шарқона ном. Кейин анор жуда баракали мева. Унинг пўстидан ҳатто табиий ранг ҳам олинади. Шулардан келиб чиқиб, яхши ният билан шу номда тўхтадик. Аввалига бироз ҳадик билан бошлаган ишимиз яхши самара бераётганида ном танлашда адашмаганимизга амин бўлдик.



**— Фаолиятингизни кузата туриб ижодий тўпламларингизда миллий матолардан замонавий усулда тикилган либослар эътиборимизни тортди.**

— Тикишни энди бошлаган пайтларим қўғирчоқларимга адрас, атласдан замонавий либослар тикардим. Лекин ўзим европача услубга мурожаат этардим. Ишимга қизиққанлар кўпроқ миллий либосларга буюртма бера бошлашди ва халқнинг ўзи менинг услубимни белгилаб берди. Иш бошлаган кезларим ательени шаҳар марказидан очдик. Бироз вақт ўтгач, уни Чорсу бозори ҳудудига кўчирдик, шунингдек, бу ерда миллий матолар дўконини ҳам очдик. Тўғриси ҳамма насибамиз халқнинг ичида экан. Айнан шу ерда фаолиятимиз кенгайди. Кўплаб шогирдларим бўлиши билан бир қаторда жуда яхши гуруҳга эга бўлдим. Айни дамда мен уларга ишониб, таяниб янги коллекцияларим устида иш олиб бормоқдаман. Шу ўринда бир ҳақиқатни айтиб ўтмасам бўлмайди. Юқорида келтириб ўтганимдек, журналистлик касбим ҳам менга кўп ёрдам берди. Кўплаб телеканалларда, матбуот нашрларида дизайнер сифатида ижодий иш олиб бордим. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтишим керакки, кўпчилик камера олдида ўзини ноқулай сезади, гапираётганда ҳаяжонланади. Таълим жараёнидаги амалиётлар самарасида мен интервью ва турли тадбирлардаги мулоқот чоғида қийналмасдан иш олиб боряпман. У менга ўз фикримни бемалол билдириш, журналистик қараш, баҳо бериш имконини берди. Мен бундан беҳад мамнунман. Келинг, мен сизга бир қизиқ воқеани айтиб берай. Бир куни ательемизга хорижлик сайёҳлар ташриф буюришди. Улар миллий матоларимизнинг яратилиш сир-асрорлари билан қизиқишди. Мен уларнинг барча саволларига инглиз тилида жавоб қайтардим. Улар менинг жавобимдан қониқиб, хорижга олиб кетиш учун матолар ҳамда турли хил бичимдаги кийимларга буюртма беришди. Бугун жаҳоннинг Япония, Буюк Британия, Америка, Канада, Болтиқбўйи мамлакатларига ўзбекона кийимларимизни экспорт қилиб келмоқдамиз. Ўйлайманки, бу каби ҳамкорлик ишларимиз ҳали узоқ вақт давом этади. Ана шунда ҳунарли бўлиш билан бир қаторда тил билган инсонга дунё эшиклари очилишига яна бир карра амин бўлдим.

**— Юқорида оила аъзоларим асосий таянчим дея айтиб ўтдингиз. Фарзандларингиз фаолиятингизга қай даражада қизиқишади?**

— Қизларим ҳали жуда кичкина, аммо уч ярим ёшли Самира ҳозирданоқ чизишга жуда уста. Ўзим дизайнер бўлсам-да, расмларни моҳирона чиза олмайман. Чизмаларни қоғозга туширишдан кўра, хаёлан яратилган чизмани либосда акс эттиришни хуш кўраман. Қизимдаги бу қобилият дадасидан ўтган. Турмуш ўртоғим фарзандлари билан расм чизишга эринмайдилар ҳамда яхши рассом сифатида менинг ишларимга ҳам холисона баҳо берадилар. Бугун барча эришган ютуқларимда оиламнинг ўрни беқиёс. Улар кўмагида бугун сидқидилдан халқимизга хизмат қилмоқдаман.

**— Келажакдаги режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Аввало шундай мустақил, обод юртда яшаётганимиздан, биз ёшларга турли соҳаларда кенг фаолият юритишимизда барча имкониятлар муҳайё эканидан ҳамма қатори мен ҳам беҳад бахтлиман. Кўзларни қувнатиб, бир-бирини такрорламайдиган, турли услубдаги либослар, Шарқона калорит, ранглар ва анъаналар, тарихий либослар элементларининг замонавийлик билан уйғунлашган кўплаб либослар яратишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Шунингдек, келажакда "Anor kidi`s" болалар миллий либосларини яратишни ҳам режалаштирганмиз. Ва, албатта, миллий матоларимиздан яратилаётган либосларни дунё бозорига олиб киришни ҳамда жаҳон подиумларида "Анор" машҳур брендлар ёнидан жой олишини истайман.

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

# Ангинадан эҳтиёт бўлинг!

**Муртак безлар яллиғланиши, иситма ва интоксикация ҳолати ангинанинг бирламчи белгисидир. "Ангина" лотинча «Ango» сўзидан олинган бўлиб, қисиш, бўғиш маъносини англатади.**



Маълумки, бола бир ёшга тўлганида муртак бези тезлик билан ривожлана бошлайди. Бу жараён 10-20 ёшгача давом этади. 35-40 ёшдан сўнг муртак безининг тўқимаси кичрайиб, ангинага чалиниш хавфи анча камаяди. Ангинани кўпинча стрептококк, стафилококк, баъзан диплококк ёки Фридлендер таёқчалари қўзғайди. Ангина касаллиги ҳаво-томчи йўли билан тарқалиб, унинг спорадик равишда пайдо бўлиши нафас йўлларида яшайдиган шартли патоген микроблар фаоллигининг ортиши туфайли ҳам юзага келади. Одатда шартли патоген микроблар одам совқотганда, чанг ҳаводан нафас олганда "ҳужум"га ўтади. Касаллик бошқаларга бемор ишлатган идиш ва қошиқлар орқали юқиши мумкин. Ангина ўз вақтида даволанмаса қуйидаги асоратлар юзага чиқади: паротонзелер абсас, юрак миокардити, ревматизм, буйраклар яллиғланиши, гайморит, иккиламчи менингит. Бундай пайтда бемор ўрин-кўрпа қилиб ётиши ва томоғини фурациллин, шунингдек, дорихоналарда сотиладиган мойчечак дамламаси билан томоқни чайиб туриши лозим. Юқорида келтирилган асоратлар юзага келмаслиги учун бемор тиббиёт муассасасига ўз вақтида мурожаат қилиши ва шифокор назоратида бўлиши керак.

БИЛАСИЗМИ?

Янги Зеландиядаги Мовий кўл сувлари дунёда энг тиниқ ва тоза ҳисобланади. Чуқурлиги 76 метрли кўл Жанубий оролда, денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда жойлашган.

* * *

Меркурий Қуёш атрофида энг тез айланадиган сайёрадир.

ТУРФА ОЛАМ

# Қум ҳайкаллар фестивали

**ШУ ЙИЛНИНГ 13 ИЮНИДАН ФИНЛЯНДИЯ ПОЙТАХТИДА ҚУМДАН ИШЛАНГАН ҒАРОЙИБ ҲАЙКАЛЛАР ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛАДИ.**



Беш кун давом этадиган фестиваль Хельсинки ҳайвонот боғида ўтказилиши кутилмоқда. Бу галги фестиваль аввалгисидан фарқли равишда мусиқа тарихи мавзусига бағишланган бўлиб, дунёда кўзга кўринган ҳайкалтарошлари ўзаро беллашади. Улар томонидан ясалган улкан қум ҳайкаллар ёзнинг охирги кунларига қадар Коркеасаари ҳайвонот боғини безаб туради. Бундан ташқари, фестиваль доирасида ўтказиладиган маҳорат сабоқларида томошабинлар ҳайкалтарошлик санъатининг сир-асрорларидан ҳам воқиф бўлишлари мумкин. Эслатиб ўтамиз, шунга ўхшаш кўрик-танлов 9 июнь куни мамлакатнинг яна бир шаҳри Лаппенрантда бошланган эди. Унда ҳайкаллардан фарқли ўлароқ бўй баробар келадиган қум қасрлар бунёд этилади.

# Ғайриоддий пойафзал

**ГОЛЛАНДИЯЛИК ОЛИМЛАР ИНСОННИНГ ОЁҚ ҲАРАКАТЛАРИНИ УЧ ЎЛЧАМЛИ ТАСВИРДА КЎРСАТИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА ПОЙАФЗАЛ ТУРИНИ КАШФ ЭТИШДИ.**



«ForceShoe» номини олган ғайриоддий оёқ кийим кўринишидан оддийгина бўлиб, қалинлиги 32 миллиметр, умумий оғирлиги эса 2,5 килограммни ташкил қилади. Унинг қўшимча пластик таг қисмига ҳаракатланиш, кучланиш ва йўналишни аниқлаш имконини берувчи датчиклар, шунингдек, митти радио ўрнатилган. Оёқ кийимидаги сезувчан ускуналар ҳаракат тезлиги, оёққа тушадиган босим, тезлашиш кўрсаткичларини махсус компьютерга узатади, сўнгра ана шу маълумотлар асосида ҳаракат тасвири намойиш этилади. Ишлаб чиқарувчиларнинг таъкидлашича, ушбу пойафзал аввалбошданоқ инсультни бошидан кечирган инсонлар учун мўлжалланган эди. Айни чоғда «ақлли» пойафзалнинг янада қулай ва фойдали хусусиятларини такомиллаштириш устида ишланмоқда.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

Тадбир

# "Адолат"

### қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига кенг тарғиб қилмоқда

*Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Кодекслари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чоп этишга ихтисослаштирилган "Адолат" нашриёти давлат корхонаси 1992 йилда ташкил этилган. Бугунги кунда нашриёт том маънода ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариб келмоқда.*

Нашриёт томонидан ўтган давр мобайнида 700 дан ортиқ номдаги 8 миллиондан зиёд нусхада Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Кодекслари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқшуносликка оид илмий, илмий-оммабоп адабиётлар, ҳуқуқий дарслик, ўқув қўлланмалар, адабий-бадиий мавзулардаги китоблар чоп этилди. Нашриёт республикада ҳуқуқий адабиётларни расмий нашр этадиган ягона нашриёт сифатида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Қонун ҳужжатларини аҳолига тушунарли тарзда етказиш мақсадида ҳуқуқшунослар билан ҳамкорликда уларга шарҳ ёзиб нашр этилмоқда. Ҳуқуқий мавзудаги адабиётлар билан мамлакатимиз аҳолисини кенг миқёсда таништириб бориш, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтиришда мазкур нашриётнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан "Юксак ҳуқуқий тафаккур — демократик жамият тақозоси" шиори остида "Адолат" нашриёти: "Кеча ва бугун" мавзусида ташкил этилган тадбирда ана шулар ҳақида сўз борди. Анжуманда соҳада амалга оширилаётган ишлар, услубият масалалари, илмий мактаблар, фанлараро интеграция, ижодкорлардан фойдаланиш, нашр этилаётган адабиётларни жамоатчиликка етказишнинг шакл ва усуллари, мавжуд муаммоларга эътибор қаратилди. Эҳтиёжлардан келиб чиқиб талаб ва таклиф ҳамда истиқболдаги режалар атрофлича муҳокама қилинди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

Кўргазма

# «Мангуликдаги лаҳза»

### Қорақалпоқ рассомлари асарларининг кўргазмаси

*Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида қорақалпоғистонлик ижодкорлар томонидан яратилган 60 дан ортиқ рангтасвир ва ҳайкалтарошлик асарлари намойиш этилмоқда. Улар орасида турли жанрларда, мавзу ва услубларда ўзига хос тарзда ижод қилган ва ижод қилиб келаётган машҳур рассомлари ҳам бор.*

Кўргазмани кузатар экансиз, рассомлар асарларида қорақалпоқ халқининг ўзига хос ва бой тасаввур олами, урф-одатлари, байрамлари, ўйин ва аскиялари, халқ оғзаки ижоди ҳамда афсона ва ривоятлари намоён бўлади. Шунингдек, қорақалпоқ гиламлари, кашта ва қуроқларига хос шакл ва ранглар ҳар бир рассом ижодидан ўрин олган. Асарлар мавзуси ва мазмуни рассомларнинг тарих, анъана ва ҳаётга бўлган муносабатини акс эттиради.

**Ҳ.ДОУДБЕКОВ**

Сўраган эдингиз

# Аҳоли мол-мулки

### ҳуқуқий ҳимояда

***Кундалик ҳаётимизда мол-мулк олди-сотдисида жуда кўп тушунмовчилик ва келишмовчиликларнинг гувоҳи бўламиз. Бундай ҳолатларнинг юзага келмаслиги учун нотариусга мурожаат қилишнинг тартиб-қоидалари ҳақида маълумот берилишини сўраймиз.***

**Ф.РЎЗИЕВА,**
**Когон шаҳри**

Ҳурматли газетхон, биз ҳамма вақт ўзимиз эга бўлган уй-жой, машина ёки бошқа мулкимизни сотишда нотариусга мурожаат қилиш зарурлигига кўп ҳам эътибор бермаймиз. Иложи бўлса, ташвиши кам дея, ими-жимида сотиб юборишга ҳаракат қиламиз. Бундай шароитда битта-яримта меросхўр чиқиб, адвокатлар ёрдамида "тўйдан кейин томоша"ни бошлаши мумкин.

Мана шундай тушунмовчиликлар, қариндош-уруғлар орасида келишмовчиликлар юзага келмасин десангиз, нотариусга мурожаат қилинг. Бу давлат органи тасдиқлаган ҳужжатлар деярли қонун бузилишлардан холи бўлиб, сизни бўлар-бўлмас ташвишлардан қутқаради. Зеро, нотариус ўзига тақдим этилган ҳужжатни ва унинг топширилган вақтини тасдиқлайди. Қолаверса, нотариус ҳужжат тақдим этган жисмоний шахснинг шахси ёки ваколатини ҳамда юридик шахснинг ҳуқуқ-лаёқати ва вакилининг ваколатини аниқлайди. Нотариус ҳаракати фақат манфаатдор шахснинг ёзма аризасига асосан амалга оширилади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, нотариусга ҳужжат камида икки нусхада тақдим этилади. Агар ҳужжат бир варақдан ортиқ бўлса, уларнинг барчаси рақамланиб, тартибга келтирилади. Албатта, қабул қилинган иккала ҳужжат юқорисида ҳам тасдиқловчи ёзув ёзилиб, улардан бири нотариал идорада сақланади. Мабодо ҳужжатнинг иккинчи нусхаси йўқ бўлса, нотариус ундан нусха олиб нотариал идоранинг йиғма жилдларига тикади ҳамда ушбу ҳужжатларни ҳам ёзув билан тасдиқлайди. Дарвоқе, бундан ташқари, бир шахс томонидан айни бир вақтда бир неча ҳужжат тақдим этилса, ҳар бир ҳужжат учун давлат божи тўланади.

**М.АЧИЛОВ,**
**нотариус, Бухоро вилояти**

«2012 йил 8 февралда Яккасарой тумани ТСРУИ томонидан № 003280-11 реестри билан рўйхатга олинган «Сергели таъмир лифт» хусусий корхонаси ихтиёрий равишда тугатилмоқда. Мурожаатлар икки ой муддат ичида қабул қилинади.

**Тел.: 255-66-57, 655-66-57, 555-66-57**

ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши партия Мирзачўл туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Бахтиёр Камоловга отаси

**ҚАРШИ бобо**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ҲОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир ўринбосари:** Исмат ХУДОЁРОВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 627, Адади — 11199. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Муҳтарама КОМИЛОВА
**Навбатчи:** Дилфуза РЎЗИЕВА
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 23.00.
*ISSN 2010-7714*

1 2 3 . 5